

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

Хасанова Малика Алишеровна

**Тижорат банкларда пластик карточкалар бозорида:
механизмлар ва ривожлантириш истиқболлари (ОАТБ
“Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят филиали
маълумотлари асосида) мавзусида**

**“Банк иши” мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш
учун**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Тўхтамишев А.У. –
Саноатқурилишбанк
Самарқанд минтақавий
филиали бўлим бошлиғи, и.ф.н.

САМАРҚАНД – 2014

~ 1 ~

Кириш.....4

I Боб. Тижорат банклари пластик карточкаларидан фойдаланишни самарадорлигини оширишда дунё тажрибаси

1.1. Пластик карточкаларнинг янги авлодини тижорат банкларида қўллашни кучайтириш йўллари

1.2. Пластик қарталар орқали ҳисоб-китобларни ташкил этишни самарадорлигини ошириш йўллари: тараққий этган мамлакатлар тажрибаси

1.3. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ пластик карточкалари орқали чакана хизматлар бозоридаги рақобатбардошлилигини ошириш йўллари

II Боб. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят филиали маълумотлари асосида

2.1. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят филиалининг миқозлар базасини кенгайтиришдаги фоиалияти таҳлили

2.2. Пластик карточкалар тизимини такомиллаштиришда тижорат банкларининг таъсири

2.3. Пластик карточкалар орқали замонавий ҳисоб-китобларни амалга оширишда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси

III Боб. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг пластик карточкаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари

3.1. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг пластик карточкаларидан фойдаланишни ривожлантириш омиллари

3.2. Пластик карточкалар тизимининг истикболини таъминлаш йўллари

3.3. Пластик карточкалар орқали янги хизматларни такомиллаштириш йўллари

3.4. Пластик карточкага асосланган тўлов амалиётини такомиллаштириш масалалари

Хулоса.....	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	117
Иловалар.....	122

Кириш

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ҳам XXI асрнинг замонавий техник тараққиётининг муҳим унсурларидан бири булмиш пластик карточкалардан, яъни замонавий тўлов тизимларидан кенг фойдаланилмокда. Бундай пластик карточкалар бозорида республикаимизда фаолият кўрсатаётган деярли барча банкларимиз фаол иштирок этишмокда. Бу Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 8,3 фоизни ташкил этди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2013 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошган¹.

Тижорат банклари операцияларидан бири бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис, бугунги кунда уларни ташкил этиш ва фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий ва амалий муамлалари ушбу банк тузилмаси ва таснифига ҳамда уларни гурухлаштиришга боғлиқ бўлмокда. Пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш операцияларни таснифлашда уларнинг таркибий ва функционал вазифаларидан келиб чиккан ҳолда мезонларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир мамлакатдаги таснифлаш бошқа бир мамлакатдагига мос келмаслиги ўзаро муносабатларда тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлиши, бу эса, пластик карточкалар билан хизмат кўрсатиш фаолиятининг қиёсий таҳлилига таъсир кўрсатиши мумкин.

¹ ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 2000-2013 йиллардаги маълумотлари асосида ҳисобланган

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек, пластик карточкалар билан боғлиқ иктисодий муносабатларнинг илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги тадқиқот **мавзусининг долзарблигини** белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пластик карточкаларни ривожлантириш масалаларининг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иктисодчи олимлар Г.Л.Авагян, Г.Н.Белоглазова, Д.К.Ван Хорн, Е.П.Козлова, Е.Н.Галантна, Г.Г.Коробова, О.И.Лаврушин, Д.М.Нотон, Дж. Синкиларнинг² илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда банк ресурслари, кредитлари ва улар билан боғлиқ риск масалалари ўзбекистонлик иктисодчи олимлар - С.П.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, И.Алимардонов, Б.Б.Бабаев, Б.Т.Бердияров, Т.И.Бобокулов, А.В.Вахобов, Н.Ф.Каримов, Ё.Маҳмудалиева, Ф.Муллажонов, А.А.Омонов, Д.А.Саидов, З.Н.Тўйчиев³ ва бошқаларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган.

Иктисодиётни модернизациялаш боскичида тижорат банкларини пластик карточкаларни ривожлантириш борасидаги масалалар мамлакатимиз

² Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: – М.: Магистр, 2007. - 350 с.; Ван Хорн Д. К. Основы управления финансами. Пер.с англ.; Гл. ред. серии Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 1996. - 800 с.; Козлова Е.П., Галантна Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. – М.: Финансы и статистика, 2000, - 640 с.; Банковское дело: учебник / под. ред. д.э.н. проф. Коробовой Г.Г. – М.: Экономист, 2004. - 751 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика, 2009.- 672 с.; Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках, пер. с англ. 4-го переработанного изд./ под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. – М.: Catallaxy, 1994. – 820 с.; Нотон Д.М., Карлсон Д.Д. и др. Организация работы в банках: в 2-х томах. Том 2.- 130 с.

³ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. - 304 б.; Алимардонов И.М. Ўзбекистонда ипотекали кредитлашни ривожлантириш истиқболлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009.-23. – б.; Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореф. дис. на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2002. – 21 с.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2002. - 21 б.; Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг баркарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 183 б.Тўйчиев З.Н. Вопросы финансово-кредитного обеспечения жилищного строительства в Республике Узбекистан: Автореф. дис. канд. эк. наук. – Т.: 2002. - 22 с.

иктисодчи олимлари томонидан комплекс тарзда яхлит илмий – тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Магистрлик диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк ва жамгарма иши” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банк пластик қарточкаларини ривожлантиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг фаолиятининг истикболи ва пластик қарточкалар тизимини ташкил этишдаги ролини тадқиқ этиш;
- банк тизимларини пластик қарточкалари орқали амалга ошириладиган операцияларнинг ролини ўрганиш;
- пластик қарточкалар тизимини такомиллаштиришга тижорат банкларининг таъсирини таҳлил қилиш;
- пластик қарточкалар орқали замонавий ҳисоб-китобларни амалга оширишда тараққий этган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва тегишли хулоса ва тақлифларни олиш;
- пластик қарточкаларнинг янги авлодини тижорат банкларида қўллашни кучайтириш.

Тадқиқотнинг объекти: мамлақатимиз тижорат банкларининг пластик қарточкалари бозоридаги фаолияти билан боғлиқ жараёнлар.

Тадқиқотнинг предмети. Тижорат банкларида пластик қарточкалар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар илмий ишнинг предмети бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, гуруҳлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти. Тижорат банк пластик карточкалар тизимини такомиллаштириш борасида истиқболда амалга ошириладиган махсус илмий—тадқиқот ва амалий ишларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тижорат банкларида пластик карточкалар тизимини такомиллаштириш, амалдаги ҳолатни баҳолаш ва улар фаолиятини тартибга солишдаги меъёрий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Банк иши», «Монетар сиёсат», «Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш» ва «Пул, кредит ва банклар» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни ва ғоялари 2 та тезисларда ифодаланган.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертация иши таркибий жihatдан кириш, уч боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши матни 86 бетдан иборат бўлиб, 4 та жадвал, 15 та диаграмма, 2 та чизма ва 8 та иловани ўзида мужассамлаштирган.

I Боб. Тижорат банклари пластик карточкаларидан фойдаланишни самарадорлигини оширишда дунё тажрибаси

1.1. Пластик карточкаларнинг янги авлодини тижорат банкларида қўллашни кучайтириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонга ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 трлн. сўмдан ортиқ, 2010 йилга нисбатан 36,3 фоиз қўп маблағ жалб қилингани, жумладан аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир», деб, мамлакатнинг банк тизими фаолиятига юқори баҳо берди.

Ушбу ютуқларга эришишда Марказий банк ва мамлакат тижорат банкларининг бу борада олиб бораётган ишлари ўз натижасини бераётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳозирги кунда замонавий тўлов шакли бўлмиш пластик карточкалар мамлакатимизда кенг жорий этилган бўлиб, бу ўз навбатида аҳолининг харид қобилиятини оширишда бир қатор қулайликлар яратади.

Накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисобкитоб тизимини риважлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1325-сонли, 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 433-сон қарорларининг қабул қилиниши банк тизими ва пластик карточкалар муоамаласини кенгайтиришга юртбошимиз томонидан катта эътибор берилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу

эса нафақат тижорат банк тизимларига, балки савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам бир катор имтиёзлар бериш билан бир каторда масъулият ҳам юклайди.

Хусусан, тижорат банклари томонидан бугунги кунга келиб Президентимиз ҳамда Ҳукуматимиз томонидан қабул килинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида катор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бунда асосий эътибор республикамизнинг барча минтақаларида жойлашган тижорат банкларининг филиаллари тармоғи орқали аҳолини банкнинг пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматига кенг жалб қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини доимий ошириб бориш ҳамда хавфсизлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

2014 йилнинг 1 январ ҳолатига Самарқанд вилоят тижорат банклари томонидан муоамалага чиқарилган пластик карточкалар сони 11,8 млн. донага етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 млн. донага кўпайди.

Жумладан, иш ҳақи лойиҳаси доирасида тижорат банкларида хизмат кўрсатилаётган 117 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет ташкилотларининг 1,8 млн. нафар ишчи ва ходимларига иш ҳақи тўловларининг пластик карталар орқали тўланиши йўлга қўйилди.

Пластик карточкаларга ҳар ойда ўртача 1290 млрд. сўм маблағлар ўтказилиб, йил бошидан бери 12,9 трлн. сўм маблағлар жалб этилишига эришилди ва ҳар бир пластик карточкага тўғри келувчи ўртача қолдиқ 636 минг сўмни ташкил этмоқда.

Самарқанд вилоят тижорат банклари томонидан савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 119208 донани ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12424 тага ошди. Қўшимча равишда 11000 дона мобил терминаллар ҳам олиб келинди ва бугунги кунда мижозларга тақдим этилмоқда.



Ушбу савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали жории илнинг ўн ойи мобайнида жами 1280,8 млрд. сўмдан ортиқ транзакциялар амалга оширилган бўлиб, бир ойлик ўртача савдо транзакциялари 128 млрд. сўмни ташкил этди.

Пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривояслантириш борасида яратилган имтиёزلаридан самарали фойдаланган ҳолда Самарқанд вилоят тижорат банклари томонидан 139 та банкомат ҳамда 1100 та инфокиоск ўрнатилди ва улар орқали аҳолига ойлик иш ҳақи ҳамда пенсия тўловларини юклаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш имкониятлари йўлга қўйилди.

Тижорат банклари томонидан ўрнатилган инфокиоск ва банкоматларга «играупет» ҳамда коммунал тўловларни қабул қиладиган «биллинг» тизими дастурлари ўрнатилган бўлиб, пластик карточкалардан фойдаланувчи миждозларга янада кенг қулайликлар яратилди.

Пластик карточкалар эгаларига маблағларни юклашларида

кулайликлар яратиш мақсадида «DUET-Online» тизими жорий этилиб, 1500 та ридер курилмалари олиб келинди ва улар банкдан ташқари аҳоли гавжум жойлар, жумладан йирик корхона ҳамда ташкилотлар, почта ва алока пунктларида жойлаштирилди.

Шунингдек, бугунги кунда айрим тижорат банклари томонидан Ягона умумреспублика процессинг маркази билан биргаликда пластик карточкаларнинг янги «UZCARD-EMV» on-line тизими йўлга қўйилди (3-4-иловаларга қаралсин).

On-line тизимига пластик карточкаларни ўтказиш аҳамияти шундаки, улар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар (электрон пуллар)нинг бир қўриниши бўлиб, пул маблағларининг айланишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда аввалги тизимга нисбатан бир неча баробарга пул оқими тезлаштиради.

Ҳозирда миқозларга тарқатилган on-line пластик карточкалар сони ошиб бормокда ва бундай тизимнинг ишлаши учун мавжуд терминаллар қайта дастурлаб чиқилган.

Айрим тижорат банклари томонидан замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича тинимсиз изланишлар олиб борилмокда. Жумладан, Интернет-банкнинг, SMS-банкнинг, мобилбанкнинг, SMS-хабарнома, 11550-хизмати каби бир қатор янги тизимлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.

Ушбу хизматлар орқали тижорат банки миқозларига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш билан биргаликда, уяли телефонлар орқали турли хил тўловларни, хусусан коммунал, Интернет, мобил алока ва шу каби бошқа тўловларни амалга ошириш имкониятлари яратилди. Ҳозирги кунда тижорат банкларининг миқозлари бўлган жисмоний шахслар ҳам уяли алока телефонлари ёки Интернет орқали банкда очилган омонат, пластик карточка ва бошқа керакли ҳисобварақлари қолдиқларини ҳамда уларнинг айланмаларини қўра олишлари ва назорат қилиб боришлари имкониятларини яратиш борасида тегишли дастурлар синовдан ўтказилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган кодда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1325-сонли, 2010 йил 26-ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банкларига янги on-line тизимида ишлай оладиган пластик карточкалар, мобил терминаллар келтирилиб, мижозлар ўртасида тарқатилиши таъминланди.

Мамлакатимизни ислох этиш ва модернизациялаш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида замон талабига жавоб берувчи янги қашфиётларни жорий этиш лозим.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорини ижросини таъминлаш мақсадида “Ягона умумреспублика процессинг маркази” томонидан янги “SmartVista EMV” технологик платформаси ишлаб чиқилди. Ушбу платформа online ҳолатда ишлаб “Duet” тизими платформаси бўлмиш offline га нисбатан анчагина қулайликларга ва ҳимояга эгадир.

Бу “Duet” тизими платформасидаги барча пластик карталар буткул тўхтатилади, дегани эмас. Балки улар секин-аста босқичма-босқич янги “EMV” платформасидаги пластик карталарга алмаштирилиб борилади.

“SmartVista EMV” платформаси ишлаб чиқарилиши Ўзбекистон тўлов тизимини яна бир поғона юқори кўтарди, десак адашмаган бўламиз. Чунки

бу тизим жуда ноёб бўлиб, бу тизим бир вақтнинг ўзида иккала яни online ва offline кўринишида ишлаш имкониятига эга.

“SmartVista EMV” платформасининг афзаллиги яна шундан иборатки ушбу тизим банклараро тўлов амалиётлари алмашинувини бир неча кунлардан бир неча дақиқаларгача камайтиришга олиб келади.

Ҳисоб-китоб тўғрисидаги маълумотлар амалиёт бажарилгандан сўнг аввал банкларда шаклланган ва сўнгра банклардан “Ягона умумреспублика процессинг маркази”га жўнатилган. Бу эса маълумотлар алмашинуви секинлашишига сабаб бўлди.

Янги платформада барча маълумотлар “Ягона умумреспублика Процессинг маркази”га банклараро эмас, балки тўғридан-тўғри тушади ва бу ўз навбатида иш жараёнини осонлаштириб, бир неча баробар тезлаштиради. Амалиётлар алмашинуви тезлашиши эса ўз навбатида пластик карточкалар йўқотиб қўйилганда банклардан ундаги барча маблағлар билан тиклаш учун кетадиган 7, айрим ҳолатларда эса 14 банк иш куни давомида кутиш эҳтиёжини йўқотиши мумкин. Яъни, “SmartVista EMV” платформасида ишлаётган пластик карточка сохиблари карта йўқолгандан сўнг банкга ариза билан мурожаат қилишлари билан 3 дақиқа ичида қайта тиклаб берилади.

“SmartVista EMV” платформаси ишга тушгач ушбу тизим орқалик тўловларни қабул қилиш учун “Visa” платформаси сингари махсус терминалларни жойлаштириш талаб қилинмайдиган бўлди. Бу эса барча эски “Duet” тизими платформасида ишлаётган терминалларни қайта дастурлашни талаб этмоқда, холос. Қайта дастураш банк ходимлари ёки Процессинг маркази ходимлари томонидан 5 дақиқадан 10 дақиқача вақт оралиғида амалга оширилишини эътиборга оладиган бўлсак, эски платформада ишлайдиган терминалларни тезлик билан ҳозирги замонавий ҳолатга келтириш мумкин.

“SmartVista EMV” карталарининг энг катта ютуқларидан бири – жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағини шахсий

картага юклашдан озод этади. Бундан ташкари, эски тизимда агар мижоз ўз пластик карточкасидан пул маблағни бошка бир пластик картага ўтказмоқчи бўлганида ўз банкига ариза билан мурожаат этиши талаб қилган бўлса, янги карталарда бунини фақат банкларда эмас балки республикамиз бўйича ўрнатилган инфокиоскалар орқали аризасиз, фақатгина ўтказмоқчи бўлган пластик карта ракамини билган ҳолда амалга ошириш имконияти берилди.

Ўзбекистоннинг “UZKART” банклараро тўлов тизимини эски “Duet” технологик платформасидан янги “SmartVista EMV” платформасига кўчириш ишлари якунлангач, мамлакатда мавжуд иккита сўмли пластик карточкалар тизими – “UZKART” ва “Visa” ягона тизимга бирлаштириш тўлов тизимини режалаштириш имконият яратади. Катта эҳтимоллик билан, “UZKART EMV” ва “Visa” асосида ташкил қилинган бирлашган тизим “ONLINE” деб номланган.

Бугунги кунда республикамизда банк тизимини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, қолаверса, тижорат банклари ўз мижозларига инновацион тўлов тизимини тақдим этишни янада кенгайтириб боришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишгани бежиз эмас.

1.2. Пластик карталар орқали ҳисоб-китобларини ташкил этишни самарадорлигини ошириш йўллари: тараққий этган мамлакатлар тажрибаси

Бугунги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган тизимли иктисодий ислохотлар самараси ўлароқ, иктисодиётнинг «кон томири» ҳисобланмиш банк тизими ҳам кундан-кунга ривожланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш борасида янги қулайлик ва имкониятлар яратилмоқда.

Бу борада мижозларга банк пластик карточкалари асосида кўрсатилаётган хизматларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Маълумки, пластик карталар асосида ҳисоб-китоблар ҳозирги кунда жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида кенг қўлланилиб, аҳолининг ишончига сазовор бўлган қулай, самарали ва ишончли тўлов воситаси ҳисобланади. Пластик карточкалар асосида


ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланиши нафакат аҳоли, балки бутун бир мамлакатнинг миллий ифтихори бўлган миллий валютанинг кадрсизланиши олдини олади, мамлакат пул-кредит тизими бир текисда ривож топишининг ишончли воситаси бўлиб хизмат килади.

Ҳар қандай иқтисодий ислохотлар синалган ва ишончли тажрибалар асосида амалга оширилиши ва бунинг учун ривожланган давлатлар тажрибалари пухта ўрганишни талаб этади.

Жаҳон микёсида иқтисодий инкироз давом этаётган бугунги кунда тараккий топган бир қатор давлатлар муомаладаги нақд пуллар миқдорини қисқартириб, электрон пуллар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишни маъқул кўрмоқдалар.

11-диаграмма

Туркияда дебет ва кредит карталар ўсиш суръати (млн. донга)



Жумладан, Туркия тўловлар тизимида пластик карталар асосида ҳисоб-китоблар тизими 20 йилдан ошқ тарихга эга. Мамлакатда ўтган йиллар мобайнида бу борада катта тажриба тўпланди. Соҳада янги-янги инновацион ҳолатлар ва янгиликлар жорий қилинди. Аҳолининг маҳсулот ва хизматларни сотиб олишга бўлган имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётган ушбу тўлов тизими мамлакат аҳолисининг ишончи тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб муомаладаги пластик карталар сони 1 кишига қарийб 2 данадан тўғри келаётганлиги

хам буни исботлаб турибди.

Туркияда пластик карталар тизими «Interbank Card Center - ICC» («BKM-Banklararasi Kart Merkezi – BKM») томонидан тартибга солиниб, унинг вазифалари тўлов тизимидаги барча дебет ва кредит карталарининг стандартларга оид муаммоларини ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

«Interbank Card Center» 1990 йилда 13 та давлат ва хусусий банклар томонидан дебет ва кредит карталар бўйича муаммоларни бартараф этиш ва ягона стандартларни жорий этиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ўзининг 27 та банк-иштирокчиларига ва 10 та ҳамкорига эга.

Туркия тўлов тизими ўзининг янги гоёлари, илгор технологиялар ва юқори даражадаги ўсиш суръатлари билан дунё бозорида юқори мавқега эга бўлмоқда. Уз навбатида BKM Европадаги энг яхши тўлов провайдерларлари қаторидан ўрин эгалламоқда.

3-жадвал

Туркияда аҳоли жон бошига тўғри келувчи пластик карталар, терминаллар ва банкоматлар

Кўрсаткичлар	Пластик карталар сони	Терминаллар сони (ҳар минг кишига) нафар	Банкоматлар сони (ҳар минг кишига) нафар
2007	1,3	20,5	0,27
2008	1,5	22,8	0,31
2009	1,5	24,0	0,33
2010	1,6	24,7	0,37
2011	1,8	26,5	0,44

«BKMнинг 2011 йил якунлари бўйича ҳисоботи»да BKM директори Назан Арижа мамлакатда босқичма-босқич нақд пулдаги тўловлардан воз кечиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқиётганлигини ва мамлакат мустақиллигининг 100 йиллигини нишонлаш арафасида, яъни 2023 йилда Туркия тўлик нақд пулсиз ҳисоб-китобларга ўтишини таъкидлаган.

Шу билан бирга, ушбу дастурни амалга ошириш мақсадида 2011 йилда «Хайр, нақд пуллар» шиори остида иш бошланди.

Банклараро авторизация, клиринг ва тартибга солиш, ишлаб чиқиш,

ягона марказлашган сервер орқали хавфсиз, тезкор ва иқтисодий томондан афзал бўлган узлуксиз банк операцияларини амалга ошириш жараёнини стандартлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш - бу ВКМнинг асосий фундаментал мажбуриятларидан бири ҳисобланади.

ВКМ тизими банк-иштирокчилари орасида клиринг операциялари, шунингдек, дебет ва кредит карталар транзакциялари бўйича назоратни амалга оширади ва ВКМ тизимидан келиб чиқадиган мажбуриятлар Туркия Марказий банки томонидан ўрнатилади.


ВКМ ва дунёнинг машҳур тўлов тизимлари, яъни VISA, MasterCard, AmEX, JCB билан ўзаро аъзолик ва ҳамкорлик шарҳномалари тузилган бўлиб, мамлакатда ушбу тизимларга тегишли пластик карталар билан ҳам ҳисоб-китобларни бемалол амалга ошириш мумкин.

Бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларда дебет ва кредит карталари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Натижада, 2012 йилга келиб мамлакатда кредит карталари 51,4 млн. донага, дебет карталари сони эса 81,9 млн. донага етди (12-диаграмма).

12-диаграмма

Туркияда аҳоли жон бошига тўғри келувчи терминаллар сони (млн. дона)




Бундан ташқари, мамлакатдаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони қарийб 2,0 млн. донани,

банкоматлар эса 32,4 мингтани ташкил этди.

Агар буни аҳоли жон бошига ҳисобласак, Туркиянинг ҳар бир фукароси 2012 йил 1 январь ҳолатига 1,8 та пластик карта билан таъминланган бўлса, ҳар мингта киши учун 26,5 та терминал ва 0,4 та банкомат тўғри келмоқда (3-жадвал).

13-диаграмма

Туркияга кириб келган валюта тушуми (млрд. АҚШ доллари)



Пластик карталар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кенгайиб улар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2,5 млрд.га етиб, жами 330 млрд. АҚШ долларига тенг тўловлар амалга оширилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар мингта кишига тўғри келувчи терминаллар сони Туркияда бошқа катор ривожланган давлатлардан анча юқори бўлиб, Канада, Буюк Британия, Франция каби давлатларни ортда қолдирмоқда (4-диаграмма).

Шунингдек, мамлакатда 2011 йилда кредит карталари орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 180 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 91,4 фоизини савдо ва пуллик хизматлар бўйича ҳисоб-китобларга ва 8,6 фоизи нақд пул олиш учун ишлатилган. Бундан кўриниб турибдики, нақд пул орқали ҳисоб-китобларни қисқартириш мақсадида кредит карталаридан кенг

фойдаланилмокда.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, Туркия 2023 йилга келиб, нақд пуллардан бутунлай воз кечиш мақсадида, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини йилдан-йилга ошириб бормокда.

Шуниси кизикки, ВКМ томонидан мамлакатдаги барча банкоматлар тармоги электрон хариталарга киритилган бўлиб, сиз исталган вақтда ўз телефонингиз ёки GPS-куралма орқали харитадан ўзингизга яқин банкоматни топиб олишингиз мумкин.

Туркияда туризмнинг кенг ёйилганлиги ва келаётган меҳмонларнинг асосий қисми халқаро карталардан фойдаланиши нағижасида мамлакатга ҳар йили пластик карталар орқали сезиларли миқдорда валюта тушуми кириб келмокда. Агар рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, биргина 2011 йилнинг ўзида пластик карталар орқали 7,8 млрд. АҚШ доллари валюта тушуми кириб келган бўлса, 3,6 млрд. АҚШ доллари чиқиб кетган ва натижада соф валюта тушуми 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган (12-диаграмма).

Юкорида баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Туркияда пластик карталар ривожланиши тарихи бир мунча узок вақтни ўз ичига олган, шунингдек, бу соҳада ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари даражасида катор ютуқларга эришилган.

Мамлакатимизда ҳам пластик карталар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга ва уларнинг иқтисодий самарасига таяниб айтиш мумкинки, яқин йиллар ичида пластик карталар ривожланган давлатлардаги каби юртимиз иқтисодий ҳаётининг ажралмас қисмига айланади.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар сингари Ўзбекистон банк тизимида ҳам миқдорларга хизмат кўрсатишнинг инновацион турлари кўпайиб бормокда. Бу борадаги жараёни тезлаштиришда тараққий этган давлатлар тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодий ҳўжалигининг ҳозирги босқичида катор тараққий

этган давлатлар иктисодиётида электрон ҳисоб-китоблар шу кадар ривожланиб кетдики, бу ўз навбатида, бутун ҳисоб-китоблар жараёнидан нақд пулларни сиқиб чиқармоқда.

Пластик карточкалар жуда қулай, самарали ва ишончли тўлов воситаси сифатида фойдаланувчилар ишончини қозониб, уларнинг маҳсулот ва хизматлар сотиб олишга бўлган имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Ҳисоб-китобларни электрон шаклга ўтказиш жараёнини жадаллаштириш ривожланган давлатлар тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда уларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

Бугунги кунда пластик карточкалар жуда қулай, самарали ва ишончли тўлов воситаси сифатида фойдаланувчилар ишончини қозониб, уларнинг маҳсулот ва хизматлар сотиб олишга бўлган имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Ҳисоб-китобларни электрон шаклга ўтказиш жараёнини жадаллаштириш ривожланган давлатлар тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда уларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

Канада — «катта саккизлик»га кировчи дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири.

2011 йилда мамлакат ЯИМ ҳажми 1,7 триллион АҚШ долларини ташкил этиб, аҳоли жон бошига ўртача 51 минг АҚШ долларида тўғри келди. Миллий пул бирлиги — Канада доллари. Мамлакат аҳолисининг 18,6 миллиони иш билан банд бўлиб, ишсизлик даражаси 8 фоизни ташкил этади⁴.

Канада дунёдаги мустаҳкам банк тизимига ҳамда юқори даражадаги молиявий хизматлар кўрсатиш инфратузилмасига эга давлатлар қаторига киради. Мижозларга хизмат кўрсатиш юқори даражада бўлиб, асосан янги банк технологиялари асосида амалга оширилади.

Канадаликлар ўз ҳамёнларида нақд пул олиб юришмайди. Деярли барча товар ва хизматлар учун тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, мамлакатда тўловлар нақд пуллар орқали ҳам

⁴ www.economywatch.com/economic-statistics/

амалга оширилади, лекин айрим дўконлар ҳисоб-китоблар учун нақд пул олишни рад қиладилар. Шунинг учун ҳам улар тўловларни кредит ва дебит пластик карточкалар асосида амалга оширишни маъқул кўрадилар.

Кредит карталар маълум лимитга эга бўлиб, мазкур лимит фуқароларнинг йиллик даромадидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Канадада «VISA», «MasterCARD» ҳамда «American Express» банк карталари билан бир каторда турли супермаркетлар, авиакомпаниялар ва бошқа молиявий ташкилотлар карталари ҳам мавжуд.

Канадада кредит карталарнинг асосан уч тури — «Classic», «Gold» ва «Platinum» карталари кенг тарқалган. «Gold» ва «Platinum» карталари катта лимитга эга бўлиб (энг кам лимит қиймати — 5 минг АҚШ доллари), карта эгасига қўшимча молиявий имкониятлар беради. Ушбу карталар доимий мустаҳкам даромадга эга бўлган шахсларга берилади⁵.

4-жадвал

Interac тизимида фойдаланувчилар, хўжалик субъектлари ва уларга ўрнатилган терминаллар сони ҳамда амалга оширилган транзакциялар

Кўрсаткичлар	Ўртача бир ойда тизимдан фойдаланганлар сони (миллион нафар)	Терминаллар сони (минг дона)	Хўжалик субъектлари сони (мингта)	Жами амалга оширилган транзакциялар сони (млн. та)	Амалга оширилган транзакциялар ҳажми (млрд. АҚШ доллари)
2010	23,9	727,3	450,7	3971,39	175,62
2008	21,5	630,5	413,5	3705,43	168,58
2006	20,9	591,9	404,6	3293,19	148,70
2000	16,7	438,2	310,9	1960,10	85,20
Ўзбекистон Республикаси бўйича					
2012 йил 1 май ҳолатига	8,3	104,0	96,4	-	6,1 млрд. АҚШ доллари

Мамлакатда фуқаролар томонидан банкда ҳисобварақ очилганидан кейин, уларга банк томонидан белгиланган тартибда дебет пластик карточкаси, чек дафтарчаси ва мижоз китобчаси берилади. Бир пайтнинг

⁵ www.privetcanada.com/live/payments

ўзида фукаро номига иккита ҳисобварақ очилади, улар «chequing» (чиким) ва «saving» (саклаш) ҳисобварақларидир. «Chequing» ҳисобварағи бу миждознинг доимий ишловчи ҳисобварақ бўлиб, ундан пластик карточкалар ва чек орқали операцияларни амалга оширишда фойдаланилади⁶.

Дебет карталар кўринишидан кредит карталарга ўхшаш бўлиб, улар орқали барча турдаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин (йирик озиқ-овқат дўконлари, савдо марказлари, пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқалар). Кредит ва дебет карталарнинг фарқи шундаки, кредит карта ҳисобрақамида маблағ мавжуд бўлмаса ҳам, маълум шартлар асосида қарзга ҳисоб-китобни амалга ошириш имконияти мавжуд. Дебет карта орқали эса ҳисоб-китоблар фақат ҳисобрақамдаги қолдиқ маблағлар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун дебет карталар баъзида «электрон ҳамён» деб ҳам номланади.

Канадада пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш «тўрт томон» модели орқали амалга оширилиб, бунда карточка эгаси, тадбиркор (ёки хизмат кўрсатувчи), эмитент ва эквайер (тўловни амалга оширувчилар) иштирок этади (буни қуйидаги 1-шаклда кўришимиз мумкин). Шунингдек, бешинчи иштирокчи сифатида Interac ассоциацияси қатнашади. Мазкур ассоциация мамлакатдаги дебет карточкалар бўйича тўловларни амалга оширувчи тармоқ вазифасини ўтайди.

«Interac» ассоциацияси нотиждорат ташкилот бўлиб, миллий тўловлар тармогини юритади. У фақатгина Канадада иш юритади ҳамда шу мамлакатдаги маҳаллий дебет карточкалар тармоғи хизматини тақдим этувчи ягона провайдер ҳисобланади⁷.

Interac Ассоциацияси ўз фаолиятини 1984 йилнинг ўрталарида Royal Bank, CIBC, Scotiabank, TD Bank (ҳозирда TD Canada Trust) ҳамда La Confederation des caisses populaires et d'économies Desjardins du Québec


⁶ www.newcanadian.ru/information/bankovskaya-sistema-kanady

⁷ John Bulmer, "Payment systems: The Debit Card Market in Canada, Library of Parliament"

(хозирда Federation des caisses Desjardins du Quebec) молиявий институтлари ҳамкорлигида ташкил этган.

14-диаграмма

Interac тизимидан фойдаланувчи хўжалик субъектлари ва уларга ўриятилган терминаллар сони (минг донга)



Шунингдек, мазкур молиявий институтлар бутун Канада бўйлаб фукаролар ҳисобварақларидаги маблагларни банкоматлар орқали нақд кўринишда олиш имкониятини берувчи ягона миллий тизимни яратдилар.

1986 йилга келиб, бу бешлик сони 10 тага етиб, уларга Bank of Montreal, Canada Trust, Laurentian Bank, National Bank, Credit Union Central of Canada молиявий ташкилотлари ҳам қўшилди.

Банкоматлар тармоги муваффақиятли ва самарали ишлаганидан кейин, 1988 йилда Ассоциация аъзолари карточка эгалари ўз дебет карточкалари ёрдамида Interac тармоги орқали тадбиркорлардан тўғридан-тўғри маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишлари учун терминаллар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш хизматини ташкил этишга келишишди. 1990 йилда илк бор тажриба тариқасида ушбу тизим ишга туширилди. 1994 йилга келиб эса, бутун

мамлакат ушбу тизимдан фойдаланишни бошлади⁸. Ушбу тизимнинг самарали ва қулайлиги учун қисқа вақт ичида унга бўлган ишонч ортди.

Канадада сўнгги 5 йил давомида пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони кескин равишда ошиб, 2011 йилда 26 миллиондан ортиқни ташкил этган (2006 йилга нисбатан 25 фоизга ошган). Бу эса, иқтисодиётда банд бўлганларнинг барчаси ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга оширишини билдиради (14-диаграмма)⁹.

Республикамизда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш борасида сўнгги йилларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан,

Президентимизнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2010 йил 19 апрелдаги қарор» қабул қилиниши ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

2006 йилда пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони 2,5 миллион нафарни ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб ушбу кўрсаткич 8,4 миллиондан ошиб кетди, яъни ўтган 5 йил давомида картадан фойдаланувчилар қарийб 3,4 бараварга кўпайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Канадада пластик карточкалар орқали тўловлар амалга оширилганда маълум миқдорда бадал тўланади. Масалан, эмитент ва эквайер харидор маълумотларини Interac Ассоциацияси тармоғи орқали жўнатганлиги учун 0,015 АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўланади. Interac тармоғига уланган банкоматлардан нақд пул маблағлари олинганда, пластик карточка эгаси 0,75 АҚШ доллари миқдорида, агар пластик карточка ва банкомат турли банкларга тегишли бўлса, у ҳолда 4-5 АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўланади. Ушбу бадал банкоматлар тармоғини ривожлантириш ва улар сонини кўпайтириш учун жорий этилган.


⁸ Interac Association: A Backgrounder, www.interac.org

⁹ Interac бўйича барча статистик маълумотлар Interac Association, Media: Statistics - www.interac.ca сайтидан олинган.

Тадбиркорлар эса, шартномага асосан терминалдан фойдаланганликлари, хусусан ҳар бир транзакция учун хизмат хаки тўлайдилар. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу тўловлар ҳар бир транзакция учун ўртача 0,12 АҚШ долларини ташкил этади. Куйидаги 1-жадвалдан кўриш мумкинки, 2010 йилда терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 3,9 млрд.дан ошиб кетган. Бу эса ҳар бир терминал учун йилига 600-650 АҚШ доллари ёки ўртача бир ойда 50-55 АҚШ доллари миқдорида хизмат хаки тўланишини билдиради¹⁰.

15-диаграмма

Дунёнинг айрим мамлакатларида мингта аҳолига тўғри келувчи савдо терминаллари сони



Мамлакатимизда эса, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банклар Ассоциацияси томонидан тасдиқланган тарифлар режасига асосан, хизмат ҳақлари ундирилмайди.

Савдо ва пуллик хизматлари кўрсатувчи субъектлар эса юқоридаги тарифлар режасига кўра, терминаллардан фойдаланганликлари учун фақат уларнинг эскириш (амортизация) харажатларини тўлашади (ойига яқка тартибдаги тадбиркорлар учун 5 евро, юридик шахслар эса 10 евронинг

¹⁰ Interac Association, Fees: Member Fees - www.interac.org

сўмдаги эквиваленти миқдоригача).

Канадада ҳозирга келиб пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун 450 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган терминаллар сони қарийб 730 мингтадан ошиб кетган. Хўжалик субъектлари ва уларга ўрнатилган терминаллар сони динамикасини жадвал ва 2-диаграммада кўришимиз мумкин.

Канадада ҳозирда ҳар минг кишига 21 та терминал тўғри келади. Мамлакатимизда эса, ушбу кўрсаткич 4 тани ташкил қилади. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, бу МДХ давлатлари ичида энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда юртимизда пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда.

1.3. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ пластик карточкалари орқали чакана хизматлар бозоридаги рақобатбардошлилигини ошириш йўллари

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ҳозирги кунда пластик карточкалар асосидаги тўлов тизими борасида аҳолининг барча катламига сифатли этиб, ушбу восита фойдаланувчилари доирасини янада кенгайтиришнинг ўзига ҳос чораларини амалга оширмоқда. Муассасанинг шундай тадбирларидан бири VISA пластик карточкаларининг янги турларини жорий қилиб, унинг эгалари учун махсус акцияларни ташкил этаётганлигидир. «Ўзсаноатқурилишбанк» тизимида анъанага айланаётган ушбу тадбирнинг жорий йилги тури VISA GOLD пластик карточка эгаларини рағбатлантиришга қаратилди.

Қайд этиш жоиз, банк томонидан жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида VISA пластик карточкалари орқали 9210423 та транзакция ўтказилган бўлиб, улар орқали бажарилган тўловлар миқдори 304,8 млрд. сўмни ташкил этди. Жумладан, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўтказилган тўловлар 272,1 сўмни (транзакциялар сони 8916168 тани) ва карточкалар орқали берилган нақд пуллар миқдори 32,7 млрд. сўмни (транзакциялар сони

294255 тани) ташкил килди.

Банк томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталаридаги терминаллар устида олиб борилаётган мониторинг ишлари ҳам изчил давом эттирилиб, улар самарадорлиги оширилмоқда. Амалдаги конунчилик асосида жиҳозланган савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларига терминалларни дастурлаб ўрнатиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Терминаллар ўрнатиладиган янги объектларни аниқлашда эса, банк карточка ушловчиси бўлган миждозларнинг талаб ва таклифларига таянмоқда.

Шунингдек, банк пластик карточкаларни оммалаштиришда «Иш ҳақи» лойиҳаларй бўйича корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузишни давом эттирмоқда. Бу борада банк ушбу лойиҳа бўйича ҳамкор бўлган субъектнинг ходимларига нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Яъни, корхона ва ташкилотларга яқин савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини терминаллар билан таъминламоқда.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Самарканд филиалида янги хизмат турини аҳолига коммунал ва бошқа тўловларни автоматлаштириш режимида кечаю-кундуз қабул қилиш имконини берувчи, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш борасида ахборот киосклар тармоғи ташкил қилинди; Банк томонидан янги турдаги маҳсулот сифатида Visa Picture (Customer choice) ва VISA Goldпластик карточкалари жорий эдилди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда пластик карточкалар орқали мобил тўловлар (коммунал хизматлар учун, кредит ва уяли алоқа тўловлар)ни амалга ошириш имконини берувчи лойиҳа устидаги ишлар ниятига етказилмоқда.

1995 йилда Ўзбекистонда илк маротаба миллий валютада кредит ва дебет тўлов пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

2004 йил 24 сентябрда 445-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори доирасида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. У савдо ташкилоти ёки хизматлар соҳасига ёхуд пластик карточка эгасига қайси банк орқали хизмат кўрсатилаётганидан қатъи назар, банк операцияларини барча савдо шохобчаларида ягона режимда олиб бориш имконини беради. Айни пайтда, Ягона умумреспублика процессинг маркази сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарувчи 28 та тижорат банкни бирлаштирилган. Марказда “UZKART” сўм пластик карточкалари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими ташкил этилган.

Жойларда пластик карточкалар эгаларига кечаю кундуз хизмат кўрсатишга имкон берувчи ахборот-маълумот терминаллари тармоғи ишлаб турибди, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскларни таъмирлаш бўйича сервис хизматлари ташкил этилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республика миқёсида тижорат банклари томонидан аҳолига ва юридик шахсларга кенг миқёсда пластик карточкалар орқали сифатли хизматларни кўрсатиб келиш кун сайин дунё андозалари даражасига кўтарилиб бормокда. Бу эса ўз вақтида алоҳида тижорат банкларини ҳам аҳолига пластик карточкалар орқали инновацион хизматларни кўрсатишни талаб этади. Шу боис “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Самарканд филиалида қуйидаги ишларни амалга оширилишини жадаллаштириш пластик карточкалар орқали сифатли хизмат кўрсатиш самарасини ошириш мумкин. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин. Энг аввало банк томонидан Visa пластик карточкалари орқали транзакция ўтказилиши улар орқали бажарилган тўловлар миқдорини оширишга хизмат қилмоғи лозим. Жумладан, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўтказилган тўловлар миқдори ва карточкалар орқали берилган нақд пуллар миқдори ошиб бормоғи учун энг зарур чоралар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталаридаги терминаллар устида олиб борилаётган мониторинг ишлари

хам изчил давом эттирилиши ва улар самарадорлигини ошириш зарур. Қонунчилик асосида жиҳозланган савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига терминалларни дастурлаб ўрнатиш ишларни янада кенгайтириш ҳам зарур. Терминаллар ўрнатиладиган янги объектларни аниклашда эса, банк карточка ушловчиси бўлган мижозларнинг талаб ва таклифларига таянилган ҳолда иш тутиш муҳимдир.

Шунингдек, банк пластик карточкаларини оммалаштиришда “Иш хақи” лойиҳалари бўйича корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузишни янада ривожлантириш талаб этилмоқда. Бу борада банк ушбу лойиҳа бўйича ҳамкор бўлган субъектнинг ходимларига нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишни ривожлантириб борилишини тақозо этади. Яъни, корхона ва ташкилотларга яқин савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини терминаллар билан кенг таъминлаб бориш муҳимдир.

“Ўзсаноаткурилишбанк” ОАТБ тизимида янги хизмат турини аҳолига коммунал ва бошқа тўловларни автоматлаштириш режимида кечаю-кундуз қабул қилиш имкониятини берувчи, ўзига-ўзи хизма кўрсатиш борасида ахборот киосклари тармоғини кенгайтириш лозим. Банк томонидан янги турдаги маҳсулот сифатида Visa Picture (Customer choice) ва Visa Gold пластик карточкаларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилмоғи муҳимдир. Ҳозирги кунда пластик карточкалар орқали мобил тўловлар (коммунал хизматлар учун, кредит ва уяли алоқа тўловлари)ни амалга ошириш имконини берувчи лойиҳаларни тезлик билан амалиётга жорий этиш хизмат сифатини янада оширади.

**II Боб. Пластик карточкалар оркали ҳисоб-китобларни амалга ошириш
ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят филиали
маълумотлари асосида**

**2.1. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Самарқанд вилоят филиалининг
мижозлар базасини кенгайтиришдаги фаолияти таҳлили**

Капитал ва активлари ҳажми жихатидан Ўзбекистонда етакчи банклардан бири бўлмиш “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилан ҳолда барча хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Банк асосий эътиборини ҳар бир мижознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қаратмоқда.


Мамлакатнинг молиявий потенциалини оширишга қаратилган вазифалар ва талабларни ижро этиш бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ банки томонидан узок муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардош, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган мижозларга ва хорижий ҳамкорларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда. Буни эса, ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» ва шу жумладан унинг Самарқанд вилоят филиали фаолиятига жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари тасдиқламоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг 30 сентябрида «Moody’s Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ банки рейтингини; шунингдек, 2011 йилнинг июнь ойида «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ банкининг халқаро кредит рейтинг истикболини «барқарор» деб тасдиқладилар.

Юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлиш “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ банкининг ишончли банк эканлигидан яна бир бор далолат беради ва аҳолининг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, унинг халқаро майдондаги обрўсини янада ошиб бориши билан биргаликда мамлакат ичида эгаллаган етакчи ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ банки «Банкирь» (Украина) журнали томонидан ташкил этилган “МДХ, Болтиқбўйи, Грузиянинг 2010 йил банки” халқаро танловида иштирок этиб, “МДХ, Болтиқбўйи, Грузия банклари ичида энг очиқ ва шаффоф банк” номинацияси бўйича голиб деб топилди.

1-диаграмма



2013 йил давомида амалга оширилган ишлар натижасида “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ жами активлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,6 фоизга ўсди. Бунинг натижасида банк жами капитали 434,0 млрд. сўмга етказилган ҳолда мижозлар сони 30,0 фоизгача ўсиши таъминланди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ банки фонд бозорида йирик инвесторлардан бири сифатида 37 корхонанинг акциядори ва устав фондларида ўз улушига эга¹¹. Ҳозирги кунда ушбу банк кредит қўйилмалари

¹¹ ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк 2013 йил маълумотлари

ва лизинг хизматлари ҳажмини ўсишини таъминлашга эришди (35%га)¹².

Энг муҳими, кредит кўйилмаларининг 1146,3 млрд. сўм (кредит портфелини 77,7 фоизи) миқдоридаги қисми узоқ муддатли кредитларни ташкил этди, шундан 968,4 млрд. сўм миқдоридаги қисми инвестицион кредитлардир¹³.

Ҳар йилгидек 2013 йилга келиб ҳам банк асосий эътиборни иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини рағбатлантиришга, экспортбop ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини кўллаб-қувватлашга ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, банк томонидан 115 та инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун 260,4 млрд. сўм эквиваленти миқдорида кредитлар ажратилди¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455-сонли Қарорига мувофиқ, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган кредитлар умумий ҳажми 355,9 млрд. сўмни ташкил этди¹⁵.

Банк томонидан 37 та лойиҳа бўйича 17,0 млрд. сўм миқдорида лизинг хизматлари кўрсатилди. Банк лизинг портфели ҳажми қарийб 100,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Лизинг портфели иктисодиётнинг турли тармоқлари бўйича диверсификациялаштирилган (саноат, кишлок хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар)¹⁶.

Шу билан биргаликда, банк томонидан Хусусий секторни

¹² Ўша ерда

¹³ Ўша ерда

¹⁴ ЎзР Марказий банкининг 2013 йил 9 ойлик маълумотлари асосида ҳисобланган

¹⁵ ЎзР Марказий банкининг 2013 йил маълумотлари асосида ҳисобланган

¹⁶ Ўша ерда

ривожлантириш ислом корпорациясининг (ХСРИК) кредит линиясини ўзлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилганлиги ҳам диққатга моликдир. Ҳозирда ХСРИК томонидан 7,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар молиялаштирилишини ҳам ушбу банкнинг замонавий хизматлар турини янада оширишга ўз таъсирини кўрсатди¹⁷.

Ҳозирги ушбу банк фаолиятининг устувор стратегик йўналишларидан бири – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари, шу жумладан пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш бўлиб ҳисобланмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши бу соҳанинг ривожланиши учун янада катта имкониятлар яратди. Банк томонидан асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтирилаётган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтиришга қаратилмокда. Шу билан биргаликда, 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисоб раками очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк куни этиб белгиланди. Кичик бизнес ва хусусий


¹⁷ Ўша ерда

тадбиркорлик субъектларига банк кассаларига энг кам иш хакининг йигирма баробари микдоригача бўлган нақд пул тушумини мустакил топшириш ҳукуқи берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПК-1604-сонли «Бюрократик тўсиқларни бартараф этшп ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти кўламларини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича “Ўзсаноатқурилиш” ОАТБ томонидан катта микдорда кредитлар ажратилиб келинмоқда. Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан кредитлар ажратилиши натижасида янги иш ўринлари яратилди. Бундай чора-тадбирлар мижозлар сони ошишига ҳам ижобий таъсир этиб келмоқда (2-диаграммага қаралсин).

2-диаграмма


Мижозлар базасининг кенгайиши (минг нафар)



Аграр соҳани ривождантириш ҳамда иқтисодий ва молиявий барқарор қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил қилиш мақсадида банк томонидан

деҳкон ва фермер хўжаликларини зарур техника билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаол ишлар ҳам олиб борилмоқда. Бу мақсадда банк кишлоқ хўжалиги техникаси учун 14,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратди (3-диаграммага қаралсин).

3-диаграмма



ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришни рағбатлантириш орқали республикаимиз аҳолисини барқарор тарзда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга шу соҳада янги ишчи ўринларини яратишда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Энг муҳими Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда республикаимиз ички бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 76,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилганлиги ушбу соҳани интенсив ривожланишига шароит яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш борасида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ томонидан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан

ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги 3968-сонли «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан 82 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий килинган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. Бу эса 2013 йилда янги омонат турлари жорий этишга имконият яратиб берди.

Банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кесин қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида аҳоли омонатлари қолдиги 2011 йил 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46,5 фоизга, омонатчилар сони эса 31,3 фоизга ўсди¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Банк томонидан пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб 7423 та терминал, 35 та банкомат ва 35 та инфокиоскдан кенг фойдаланиб келинмоқда. Корхона ва ташкилотларда «иш

¹⁸ Ўша ерда


хақи» лойиҳалари жорий этилиб, «иш хақи» лойиҳалари сони ҳам 7 мингга етказилган.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. Ушбу банкнинг Самарқанд вилоят филиалида 2013 йилда савдо айланмалари миқдори 1,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,68 млрд. сўмга ўсди.

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилоят филиалида ўрнатилган барча инфокиоск ва банкоматлар UZPAYNET тўлов тизимига уланган бўлиб, миждозлар пластик карточка орқали барча коммунал хизматлар бўйича ва уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириш, пластик карточка эгаларига, қайси банк эмитенти бўлишидан қатъи назар, ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳолати бўйича маъаумотларни олиш, пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб олиш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, MasterCARD ва Maestro халқаро пластик карталари эгаларига ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилоят филиалининг банкоматларидан нақд пул маблағларини ўз истакларига кўра миллий валютамизда ёки АҚШ долларида олиш имконияти яратилди.

4-диаграмма

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилоят филиалида 2012-2013 йилларда аҳоли омонатлари динамикаси (млрд. сўм)



«Халқаро пластик карточкалар («MasterCARD») орқали нақд пулсиз

ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими»ни кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмокда Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 3,8 минг донага кўпайди ва 13,7 минг донани ташкил қилди.

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарканд вилоят филиали томонидан 2013 йилда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга такдим этилаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва банки амалиётлари тезкорлигини янада ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилди.

Ахборот хизматларини миқозларга масофадан кўрсатиш соҳасида янги «SMS-Banking» банк хизмати ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Уяли телефон орқали ушбу хизмат банк билан матн форматидаги SMS-хабарлари орқали масофадан ахборот хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Ушбу тизимдан фойдаланаётган миқозлар сони 43 нафарни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 нафарга ошди.

«Банк-миқоз» дастурий комплекси орқали пул-ҳисоб ҳужжатларини электрон шаклидан фойдаланган ҳолда миқозларга хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга йўналтирилган ишлар фаол давом эттирилди. Банкнинг бу хизмат туридан фойдаланаётган миқозлар сони 41 нафарга ёки 2 баравардан зиёд миқдорга кўпайди. Ҳозирда Бош офис филиалида мазкур хизматлардан 75 нафар миқоз фойдаланиб келмокда.

Самарканд вилоят филиалининг миқозларига ҳозирги кун талабига жавоб берадиган банк хизмат турларидан бири бўлмиш «Интернет-банкнинг» таклиф этилмокда. Мазкур хизмат тури банк миқозига ўз уйидан чиқмаган ҳолда Интернет орқали банкда мавжуд бўлган ҳисоб рақамидаги пул маблағларини тасарруф этиш имконини беради. Яъни, банк миқози коммунал хизматлар ёки товарлар учун тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки савдо дўконларига ташриф буюрмасдан, ўз уйидан туриб, Интернет орқали амалга ошириши мумкин.

2011 йил сентябрь ойидан бошлаб мижозларга инфокиоск ва банкоматлар оркали пластик карталар ёрдамида «кредитларни сўндириш» хизмати амалга оширилиб келинмоқда.

Банк мутахассислари томонидан янги хизмат тури бўлмиш «SMS-To'lov» тўлов тизими жорий этилди. Ушбу хизмат тури жорий этилиши натижасида мижозлар ўз уяли телефонлари ёрдамида барча коммунал хизматлар бўйича, уяли алоқа учун, интернет-провайдерлар хизмати учун, савдо-сервис корхоналарида товарлар ва хизматлар бўйича тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилоят филиали «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилида иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини боеувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий: тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаш, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича ишларни янада фаол давом эттирадилар.

Инновацион ахборот технологияларини банк тизимида кенг қўламда татбиқ этиш мамлакатимизда қисқа муддатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга имконият яратди. Хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим мамлакатимиз молия бозори барқарорлигини таъминлаш билан бирга у давлатимиз пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришда муҳим ўрин тутаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Миллий тўлов тизими негизида Марказий банкнинг ягона банклараро тўлов тизими, 29 та тижорат банкининг ички тўлов тизимлари, шунингдек, банк карталари бўйича барча тижорат банкларини қамраб олган «Uzkart» банклараро чакана тўлов тизими, аҳолидан уяли алоқа хизмати, коммунал ва

бошка тўловларни қабул қилиш бўйича «Uz-Paynet» тўлов агентлик тармоғи ҳамда «SMS-To'lov» чакана тўлов тизимлари фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, банк тизимида аҳоли ва хўжалик субъектлари учун қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган масофавий банк хизматлари, уларнинг имконият ва қулайликлари эътироф этиш зарур. Бу ўз навбатида, банклари ўртасида рақобатни кучайтириш, анъанавий банк хизматлари сифатини яхшилаш, янги хизматларни жорий қилишга хизмат қилмоқда. Такдим этилаётган хизматлар рўйхати мунтазам равишда кенгайтирилиб, тижорат банклари турли молиявий хизматларни кўрсатувчи универсал молия муассасаларига айланиб бормоқда, бу эса миқозлар сони ошиб боришига имконият яратиб бермоқда.

Мисол тариқасида айтиш жоизки, 2013 йил 1 октябр ҳолатига кўра, республикамиз бўйича қарийб 45 мингга яқин хўжалиқ юритувчи субъектлар «Банк-Миқоз» ва «Интернет-банкнинг» дастурий мажмуалари хизматларидан фойдаланиб келмоқда¹⁹. Миқозлар масофадан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали банк амалиётларини оширишга киришдилар.

Янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг жорий этилиши банк хизматлари бозорини кенгайтишига ижобий таъсир этмоқда. Тижорат банкларини чакана амалиётларини, миқозларга такдим этадиган хизматлар турини оширишлари орқали ўз фаолиятларини диверсификациялашга эришмоқдалар.

Банкомат ва инфокиоскларсиз масофавий фойдаланиши содда бўлган банк хизматлари кўрсатишни тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу ускуналар бугунги кунда миқоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос мини-банк офиси вазифасини ўтамоқда. Банкоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Энг муҳими, миқозлар исталган банкнинг банкомат ва инфокиоскларида фойдалана оладилар.

¹⁹ ЎзР Марказий банкнинг 2013 йил 1 ноябргача бўлган маълумотлар асосида

Республикамиз бўйича «Smart-Vista» on-line ва «Duet» тизимидаги карточкаларга хизмат кўрсатадиган банкомат ва инфокиосklar сони 1466 тани ташкил этиб, улар ягона тармоқка уланган.

Накд пулсиз тўловлар тизимини ривожлантириш, пластик карточкалар асосидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда аҳолига қулайликлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони республикамизда 10 млн. данадан ошиб кетди ва унга мос равишда терминаллар сони ҳам кўпайтирилмоқда. Аҳоли савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш объектларига ва аҳоли гавжум бўлган жойларда ўрнатилган терминаллар сони шу йил бошига келиб салкам 120 мингтани ташкил этмоқда.

Энг муҳими пластик карточкалар ёрдамида амалга оширилаётган операциялар тури ва сони ҳам ўсиб бормоқда. Пластик карточкалар воситасида 2013 йилда салкам 10 трлн. сўм ҳажмида турли хилдаги накд пулсиз тўловлар ўтказилди.

Товар ва хизматлар учун тўловларнинг банкоматлар орқали амалга оширилиши, пластик карталар воситасида кўрсатилаётган хизматлар қўлами ва инфратузилмасининг биринчи навбатда накд пулсиз тўловлар ҳажмининг ўсиш динамикаси кенгайиши билан боғлиқдир.

Накд пулсиз тўловларни амалга оширишнинг инновацион шаклларига қизиқиши ортиб бормоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфлайдиган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Банклар масофавий банк хизматлари кўрсатиш қўламини кенгайтиришга, бу йўлда эса глобал Интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришга интиломоқдалар. Айтиш ўринлики, айтиш шу йўналиш ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис ушбу банк Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, уни

банкнинг фаолиятига оид маълумотлар, янги хизмат турлари ва шартлари, миждозлар манфаатига тегишли ахборотлар билан мунтазам бойитиб бормокда. Веб-сайти орқали эса Марказий банк тижорат банклари учун давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Аҳоли ўртасида мобиль телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан «Мобиль-банкнинг» (WAP-banking) ва «SMS-банкнинг» хизматлари йўлга қўйилишига олиб келди.

2011 йилда ўз фаолиятини бошлаган «SMS-To'lov» чакана тўлов тизими орқали 20 дан ортиқ тўловлар амалга оширилмокда. Мазкур тизимга тижорат банклари тўлов тизими аъзоси сифатида уланган.

Матбуот анжуманида журналистларга электрон тижорат, кредит ва дебет карталар, депозитлар ва бошқа кулайликлар, замонавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изланишлар бўйича ахборотлар берилмокда.

Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (Банк-Мижоз, Интернет-банкнинг, Мобиль-банкнинг, SMS-банкнинг ва бошқалар)ни республика миқёсида доимий такомиллаштириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли равишда амалга оширилиши бир томондан банк тизимининг республика иқтисодиётида бозор механизмларининг янада мустақамланишига имконият туғдиради.

2.2. Пластик карточкалар тизимини такомиллаштиришда тижорат банкларининг таъсири

Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида ташкил этилган танловда нақл пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини яхши йўлга қўйиб, пул воситаларининг банкдан ташқари айланишини қискартиришга катта ҳисса қўшаётган муассасалар тақдирланиб келинмокда.

Банк-молия хизматлари сифатини яхшилаш, уларнинг асосий турларини кенгайтириш ҳамда аҳоли учун ушбу хизматлардан фойдаланиш

имкониятларини янада ошириш ҳозирги банкнинг бош мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Банк чакана хизматлари орасида энг тез оммалашаётган пластик карточкалар тизими улар ўртасида ўзаро рақобатни юзага келтирмоқда. Бу, ўз навбатида, банк тизими доирасидаги энг яхши эмитент ва эквайер банк номинациялари «умидвор»ларни йил сайин кўпайтирмоқда. Лекин амалга оширилиб келинаётган тадбирлар қанча самара бермасин, 2013 йилда пластик карточкалар тизимини такомиллаштиришда энг яхши натижаларга эришган етакчи банклар, деб «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки ҳамда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки номи қайд этилди. ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» эса бу борада ўз фаолиятини янада яхшиланишига эътиборни қаратиши муҳимдир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида харид ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда замонавий, қулай воситадан фойдаланишни ташкил қилиш борасида олиб ушбу банк томонидан комплекс чора-тадбирларини талаб этади. Яқин истикболга мўлжаллаган режаларда, жумладан, пластик карточкалар ёрдамида Интернет тармоғи орқали товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишни йўлга қўйиш, банк кредитлари бўйича қарзларни масофадан туриб Интернет тармоғи, банкоматлар ёки инфокиосклар орқали сўндириш, электрон воситалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янги турларини татбиқ этишда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» етакчи банклар қаторидан ўрин эгаллаши зарур.

2013 йил давомида ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар 2012 йилга нисбатан 133 фоизга ўсди. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига банк тизимидаги электрон карточкаларнинг умумий эмиссия ҳажми 720,0 минг тани ташкил этди.

Самарканд вилоят шаҳар ва туман ҳокимиятлари билан биргаликда ташкилот ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари орасида «Иш ҳақи»

лойиҳаларини жорий этиш йўли билан электрон карточкалардан фойдаланиш тармоғини кенгайтириш борасида фаол ишларни олиб бордик. Ҳозирда ушбу лойиҳа доирасида 7,2 минг ташкилот (корхона) банк билан шартнома имзолаб олишган. Лойиҳа бўйича эмиссия ҳажми 404,2 минг тани ташкил қилади.

2013 йил давомида «Иш хақи» лойиҳалари бўйича пластик карточкаларга 625 319 млн. сўм миқдорида пул маблағлари кириш килинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2013 йилда «Асака» банки пластик карточкаларини тўлов учун қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари сони 7,3 тага етказилди. Бу даврда қўшимча равишда 2,7 минг та терминал жойларга ўрнатилди. Натижада, банкнинг коммунал, уяли алоқа хизмати, темир йўл ва авиачипталар сотиш шаҳобчалари, меҳмонхона, ресторан ва кафелар ҳамда бошқа савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган инфокиосклари сони 46 тани, терминаллари эса 6,5 минг тани ташкил этди. Мазкур нуқталар бугунги кунда энг фаол пул тушуми объектларига айланган бўлиб, улар орқали ўтаётган савдо айланмалари доимий мониторингдан ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу банкнинг Самарканд филиалида замонавий банк хизматларини аҳоли гавжум яшайдиган жойларга олиб киришни қучайтириш мақсадида фаолият географиясини кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда банкнинг 6 та туман (шаҳар) филиали, 11 та мини-банк, 9 та махсус касса, 4 та жамғарма касса, 56 та аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи шаҳобчалар ҳамда 1 та сайёр кассаси²⁰ орқали аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Шақ-шубҳасиз, пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. Жумладан, 2013 йил

²⁰ ОАТБ Асакабанк Самарканд вилоят филиалининг 2013 йил маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилган

мобайнида пластик карточкалар оркали амалга оширилган тўловлар ҳажми 31,0 млрд. сўмни (2012 йилга нисбатан ўсиш 32,7 фоиз) ташкил қилди.

Айни пайтда «Асака» банк тизимида сўм пластик карточкалар бўйича DUET, халқаро карточкалар учун эса MasterCARD дастурлари ишламоқда. Ушбу дастурлар доирасида банк жисмоний шахслар, яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомидаги субъектларга пластик карточкаларни эмиссия қилмоқда.

Банкда пластик карточкалар бозоридаги халқаро мақомга эга янги маҳсулот – MasterCARD технологияси асосида ишлайдиган нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимининг жорий қилинганлиги миждозларга манзур бўлмоқда. Ушбу тизимдаги карточкалар уч тип (Maestro, MasterCARD Standart ва MasterCARD biznes)га бўлиниб, уларнинг ҳар бири алоҳида вазифани бажаради. Жумладан, Maestro пластик карточкасида асосан электрон ҳамён сифатида фойдаланилади. У бутун дунёда карточка ҳисоб-рақамидаги маблағни банкомат ва бошқа нақд пул бериш нуқталарида нақд пулга айлантириш имконини беради. MasterCARD Standard пластик карточкаси барча давлатларда тўлов воситаси сифатида қабул қилинмоқда. Миждоз ушбу карточка ҳисобрақамидаги маблағни банкомат ва бошқа нақд пул бериш нуқталарида нақд пулга айлантириш билан бирга, олинган мол ва тақдим этилган хизматлар учун ҳам тўловларни амалга ошириши мумкин. Шунингдек, карточка ёрдамида меҳмонхоналарга буюртма бериш ва масофадан туриб бошқа турли тўловларни бажариш белгиланган.

MasterCARD biznes эса, корпоратив миждозлар учун мўлжалланган бўлиб, у оркали ташкилот ўз ходимларига белгиланган миқдорда маблағлар сарфлаш ваколатини беради. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 1,8 баробарга кўпайиб, 96 минг донани ташкил қилди. Халқаро пластик карточкалар орқали амалга оширилган транзакциялар миқдори ҳам ошди.

Умуман, банк пластик карточкалар даражасини жаҳон стандартларига

мувофиқлаштириш мақсадида нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, карточка соҳибларига такдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиладиган тармоқни янада кенгайтириш ҳамда миждозлар учун янги жозибали маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйган. Карточкаларни оммалаштириш учун банк доимий равишда тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга оширади. Корхона ва ташкилотларни «Иш хақи» лойиҳаларида қатнашишга жалб этиш борасидаги фаол ишлар давом эттирилиши кўзда тутилган. Терминаллар тармоғи янада ривожланти-рилади. Бунда жисмоний ва юридик шахслар учун банк карточкаларидан фойдаланиш соҳаси янада кенгайтирилиши мўлжалланмоқда.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиёти жадал суръатлар билан глобал электрон инфратузилмани қуришга интилмоқда. Буни яхши англаб етган банк ўз маҳсулотлари ва хизматларини ривожлантириш стратегиясини режалаштираётганда улардан мамлакатимиздан ташқарида ҳам фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини ва, ҳатто, уни кейинчалик кенгайтириб боришни ҳисобга олмоқда. Жумладан, банк ҳам ушбу интеграциялашув жараёнида унинг иштирокчилари қаторида бўлиш илинжида барча имкониятларини ишга солиб, молия бозоридаги замонавий маҳсулот ва хизматларни босқичма-босқич ўзлаштириб боришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими доирасида мавжуд хизмат турларининг хилма-хиллигига, уларнинг барча миждозлар учун жозибали ва банк учун манфаатли бўлишига интилмоқда.

Айтиш жоизки, бугун пластик карточкалар тизимини такомиллаштиришда барча банклар юқори даражада иш олиб бормоқда.

Танлов ҳақида тўхталишдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, электрон карточкалар мамлакатимиз банк тизимидаги чакана ҳисоб-китобларнинг янги шакли. Уни жорий қилиш ва ишга тушириш босқичлари жуда узун ва бу тобора мураккаблашиб бормоқда (турли хизматларни ишлаб чиқиш, ва улар

хавфсизлигини таъминлаш боскичларини инобатга олганда). Мана шуларни ҳисобга олиб, мазкур муваффақият бир неча ўнлаб ходимларимизнинг машаққатли меҳнати дейиш мумкин. Банк тизимида пластик карточкалар асосидаги ишларнинг 2013 йилги эмиссия ҳажми 12012 йилга нисбатан 142,1 фоиз ўсганлигини, савдосервис нукталарида ўтказилган транзакциялар сони 331,3 фоизга ошганлигини қайд этиш мумкин.

Бугунги кунда банк томожидан муомалага чиқарилган карточкалар сони 286,6 минг докани ташкил этса, унинг 154,2 мингтаси бевосита 7353 та корхона ва ташкилот билан тузилган «Иш ҳақи» лойиҳаси асосидаги карточкалар улушига тўғри келади. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу карточкалар орқали жами 200 млрд. 514 млн. сумлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар амалга оширилган.

Банкимиз барча йўналишдаги тизимларни янада ривожлантиришда дастлаб ўз географик тузилмаларини кенгайтиришга ва муассаса таркибида ташкил этилаётган ўша тузилмалар фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий қилишга ўз диққатини қучайтирмоқда. Бу, аслида, банк томонидан тақдим этилаётган молиявий хизматларга кенг омма аҳлини жалб қилишнинг энг қулай ва самарали йўли ҳисобланади.

Бугунги кунда барча турдаги субъектларга халқаро андозаларга мос, кенг қамровли банк хизматларини тақдим этаётган муассасамизнинг таркибий қисми 82 та туман (шаҳар) филиали, 284 та минибанк, 60 та махсус касса ҳамда 99 та валюта айирбошлаш шохобчаларидан ташкил топган. Уларда мижозларга пластик карточкалар асосида сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шартшароитлар яратилган (1-иловага қаралсин).

Банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ҳудудий бошқармалари бўлимларида DUET серверлари орқали мижозларга ушбу тизим асосида банкқатнашчи сифатида хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ҳозирда барча филиалларимизда DUET SMS Informator тизими орқали Beeline, Ucell ва Perfectum mobile уяли алоқа компаниялари абонентлари

бўлган миждозларимиз учун хизмат кўрсатилмокда. Ушбу «обуна» тамойили бўйича уланган жисмоний шахслар 45 календарь кунида SMS Informator хизмати орқали барча маълумотларни, жумладан, банктаги ҳисобрақамига келиб тушган ва кйрим қилинган маблағлар, кўрсатилган савдо нуқтасидан амалга оширилган чиким операциялари бўйича ахборот олиши мумкин. Юридик шахс мақомидаги савдо терминали эгаси эса, «обуна» тамойилига уланган ҳолда 15 календарь кунида ўз ҳисобрақамидаги маблағлар ҳаракати (инкассация) тўғрисида ҳамда шу муддат ичида қўшимча валюта курсларининг ўсишлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Шундай қилиб тижорат банкларида тизимида миждозларга сифатли ва замонавий хизмат турларини янада кўпайтириш, хусусан, пластик карточкалар асосидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида бир катор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Буларга чекка туман ва қишлоқлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталаридаги терминаллар сонини кўпайтириш, филиалларда коммунал ва бошка тўловларни кечаю кундуз автоматик равишда қабул қилувчи электрон киосклар тармоғини ташкил этиш, миждозлар учун хорижий валютадаги пластик карточкаларни муомалага чиқариш, VISA карточкалари асосидаги хизматлар қўламини кенгайтириб, унинг эмиссия ҳажмини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

2.3. Пластик карточкалар орқали замонавий ҳисоб-китобларни амалга оширишда таракқий этган мамлакатлар тажрибаси

Тижорат банклари томонидан янги хизматларни кўрсатиш жадал суръатлар билан ривожланаётгани аҳолини ҳисоб-китоблар боғлиқ вақт сарфини иқтисод қилиб қолишига имконият яратиб бермокда. Муомалага кенг татбиқ этилаётган пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини ҳозирда энг замонавий хизмат турларига киритиш мумкин. Тўловларни пластик карта орқали амалга ошириш миждоз учун ҳам, банк учун ҳам фойдали. Яъни, у қулай, тезкор, самарали ва ишончли тўлов воситасидир. Юртимизда мазкур тўлов тури кенг суръатларда ривожланиб борар экан, бу

борада бошқа тараққий этган давлатлар тажрибасини ҳам ўрганиш фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Мазкур тўлов туридан йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида Австралия банк-молия тизимида фойдаланилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бу борада катта тажриба тўпланди. Янги инновацион гоёлар соҳага жорий қилинди. Австралияликлар томонидан ушбу тўлов тизимига ишонч тобора ортиб бормоқда. Муомаладаги пластик карталар сони 2011 йилда 1 кишига 2 тадан тўғри келди.

1-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи пластик карталар, терминаллар ва банкоматлар сони²¹

Йиллар	Платистик карталар сони	Банкоматлар сони (хар 1000 та аҳолига)	Терминаллар сони (хар 1000 та аҳолига)
2005	2,1	1,2	26,1
2006	2,1	1,2	27,3
2007	2,0	1,2	31,4
2008	2,0	1,2	30,9
2009	2,0	1,2	31,9
2010	2,0	1,4	31,9
2011	2,1	1,4	33,4

Австралияда тўловлар тизими «Australian Payment Clearing Association» («Австралия Тўловлар Клиринг Ассоциацияси») томонидан тартибга солинади. Бошқача айтганда, у мамлакат тўлов тизимларини мувофиқлаштирувчи асосий ташкилот ҳисобланади. Мазкур тузилмага 1992 йил 18 февралда асос солинган бўлиб, у Австралиядаги тўловлар тизимини бошқариш, унинг ривожланиши ва мамлакат қонунчилигига мувофиқ ишлашини таъминлаш, тўловлар ва клирингни амалга оширишга масъулдир.


Ассоциациянинг «Consumer Electronic Clearing System» тизими Австралияда маҳаллий пластик карталар асосида банкомат ва тўлов терминалларида тўловларни амалга оширишни тартибга солади. Шунингдек,

²¹ Бекжанов М., Абдурахмонов Р. Пластик карточка замонавий ҳисоб-китоб воситаси //Бозор, пул ва кредит. 9-сон 2012 йил. – 16 б.

тўлов тизимлари томонидан халқаро дебет карталари — MasterCard ёки VISA назорат қилинади.

5-диаграмма

**Банкоматлар ва терминаллар орқали амалга оширилган
транзакциялар ҳажми – ўртача бир ойда²²**



Бугунги кунда Австралияда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими бошқа тўлов тизимларига нисбатан жадал ривожланмоқда.

Аҳоли ўртасида 1996-2000 йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосан ҳисоб-китоб чеклари билан амалга оширилган бўлса, ҳозирги пайтда пластик карталар ҳисоб-китоб чеклари ўрнини бутунлай эгаллаб олди десак, муболага бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатда 47 миллионга яқин дебет ва кредит карталари муомалага чиқарилган бўлиб, улар орқали кунига ўртача 13 миллиондан ортиқ транзакциялар амалга оширилади. Муомалага чиқарилган пластик карталар меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар бирига 4 тадан тўғри келади.

Молиявий институтлар томонидан Австралияда шахсий (фақат мамлакат ҳудудида амал қилувчи — маҳаллий) ва халқаро дебет карталари муомалага чиқарилган.

²² Ўша ерда, 15 бет

Банк ҳисоб варагидаги маблағларни эркин ва хавфсиз йўналтиришга Дебет карта имконини беради. У орқали шахсий ҳисобварақдаги маблағлардан барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харидлар ва бошқа тўловларни амалга ошириш ҳамда зарур ҳолларда банкомат орқали нақд пулга айлантириш мумкин.

Айтиш жоизки, Австралияда дебет карта эгалари картадан фойдаланганлиги учун банк эмитентга 3-5 АҚШ доллари миқдорида ойлик «абонент тўловлари»ни амалга оширадilar. Ушбу мамлакатда дебет карталар билан бир каторда кредит карталар ҳам кенг тарқалган. Бунга сабаб, аҳолининг асосий катлами ўртасида харажатларни асосан банклардан олинган киска муддатли кредитлар ёрдамида амалга ошириш механизми оммалашган.

Энг муҳими ҳозирда «Ҳозир сотиб ол, кейинроқ ҳисоб-китоб қил» шиори асосида кредит карталаридан тўловлар амалга оширилади. Улардан белгиланган лимит доирасида фойдаланиб, пластик карта орқали юзага келган қарздорлик миқдорга қулай вақт давомида қайтарилади. Австралияда асосан халқаро «VISA», «MasterCARD» ҳамда «American Express» банк кредит карталаридан фойдаланилади.

Айтиш жоизки, пластик карта эгалари мамлакатдаги савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 750 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ҳамда 30 мингдан ортиқ банкоматлар орқали харид ва тўловларни амалга оширишлари, шунингдек, зарур пайтларда нақд пуллари ечиб олишлари мумкин. Сўнгги йилларда нақд пулга бўлган талабнинг камайиши ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенгайиши натижасида мамлакатда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони сезиларли даражада қўпайиб бормокда (2-жадвал).

2-жадвал

Терминаллар ва улар орқали амалга оширилган транзакциялар сони²³

²³ Ўша ерда

Йиллар	Терминаллар сони	2005 йилга нисбатан ўсиши, %да	Транзакциялар сони ўртача 1 ойда (Мингта)	2005 йилга нисбатан ўсиши, %да
2005	533 415	-	98 100	-
2006	570 381	106,9	108 300	100,4
2007	669 600	125,5	121 900	124,3
2008	669 600	125,5	144 600	147,4
2009	697 803	130,8	165 000	168,2
2010	707 303	132,6	187 600	188,2
2011	750 379	140,7	217 300	221,5

2011 йилда Австралияда ахрли жон бошига 2,1 тадан пластик карта тўғри келган. Хар минг кишига 1,4 тадан банкомат ва 33,4 тадан тўлов терминаллари тўғри келган. Банкоматларга нисбатан тўлов терминаллари сони сезирларли даражада кўпайган.

Товар ва хизматлар соҳасини тўлов терминаллари билан жихозлаш борасидаги изчил ҳаракатлар ўз навбатида мамлакатда пластик карталар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ошишига олиб келди.

Иктисодиётда пластик карталар ва улар оркали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг кундан-кунга шиддат билан кенгайиб бормокда.

Шундай қилиб тараккий этган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва у ерда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини йўлга қўйилиши тизимини энг муҳим қирраларини мамлакатимизда қўллашга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан, Австралия давлатидаги ютуқлар ҳозирги кунда диққатга молик бўлиб келмокда. Чунки Австралия пластик карталардан фойдаланиш борасида муайян тажрибага эга мамлакатлардан бири ҳисобланади.


III Боб. ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг пластик карточкаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари

3.1. ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг пластик карточкаларидан фойдаланишни ривожлантириш омиллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли Қарори қабул қилиниши пластик карточкалардан фойдаланишни таъминлашда банк тизимига янада катта ишонч, масъулият ва бир қатор имтиёзлар олиб келди.

6-диаграмма

Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони (минг дона)



Бугунги кунга келиб, «Ўзсаноатқурилиш» ОАТБ Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида қатор ижобий ишлар амалга ошириб келмоқда.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2013 йилда мижозларга тарқатилган пластик карточкалар сони ошди ёки 2013 йил якунларига нисбатан 216,6 минг донга кўпайди, 2014 йилнинг I ярим йиллиги мобайнида қўшимча 40 минг дона пластик карточкалар тарқатилиши режалаштирилмоқда²⁴.

Пластик карточкалар ҳисоб-варақларига 2013 йилнинг 1 май ҳолатига

²⁴ «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг 2013 йил маълумотлари бўйича ҳисобланган

жами 902,9 млрд. сўм маблағлар ўтказилиб, ўртача бир ой давомида 190-200 млрд. сўм маблағлар жалб этилишига эришилди²⁵.

Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 17 266 донага етказилди, улар орқали йил бошидан бери жами 492,7 млрд. сўмдан ортик транзакциялар амалга оширилди ва қўшимча сифатида 2014 йилнинг II ярим йиллигида 200 дондан ортик терминал жойлаштирилиши режалаштирилмоқда²⁶ (7-диаграммага қаралсин).

Шу билан биргаликда 39 та банкомат, 100 та инфокиоскалар миждозларга хизмат кўрсатмоқда.

Банк томонидан ўрнатилган инфокиоска ва банкоматларга uzpaynet ва коммунал тўловларини қабул қиладиган биллинг тизими дастурлари ўрнатилган бўлиб, пластик карточкалар билан фойдаланувчи миждозларга янада қулайликлар яратилди.

Банкоматлар ва инфокиоскалар орқали банклараро ички ва ташқи тўловларни биллинг тизими орқали амалга ошириш мумкин, мисол учун, телефон тармоқларига, коммунал тўловлар, Интернет каби бир қатор хизмат турларига тўлаш каби имкониятлар яратилди.

«Ўзсаноатқурилиш» ОАТБ томонидан пластик карточкалар билан ишлаш тизимини ва миждозлар билан банк ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда миждозларга қулайликлар яратиш мақсадида, пластик карточкаларга маблағларини юклаб олишлари учун 1500 тадан ортик пунктлар ташкил этилди. Буларга қўшимча сифатида янги «DUET-OnLine» тизими жорий этилиб, улар сони 500 дондан ортди. Бунда пластик карточка эгалари банкларга келмасдан туриб, жойларда ўрнатилган дастур ёрдамида Интернет тизими орқали пластик карточкаларига пул маблағларини кўчиришлари, карточкалардаги қолдйқларини қўра олишлари, карточкаларидан бўлган айланмаларини тўлик қузата олишлари ҳамда


²⁵ Шу манба асосида ҳисобланган

²⁶ Шу манба асосида ҳисобланган

коммунал тўловларга ўз ўрнида ўтказиш имконига эга бўладилар.

7-диаграмма

Ўрнатилган терминаллар сони²⁷ (дона)



Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган тўловлар қуйидаги диаграммадаги каби тақсимланмоқда.


7-диаграмма маълумотлари асосан савдо корхоналарида ўтказилаётган транзакциялар ҳажми юқори даражада бўлаётганини кўрсатмоқда.

Шу ўринда, пластик карточкаларнинг афзалликлари хусусида тўхталиб ўтамиз:

Пластик карточка тизимининг қулайлиги шундаки, карточка эгалари дўконлар ва маиший хизмат корхоналарига борганларида, ёнларида кўп пул олиб юришлари шарт эмас. Пластик кўрточкалар ёрдамида мижоз ўз вақтини тежаб қолиши билан бирга ҳисобда янглишишлардан ҳам кафолатланади. Яна бир қулай томони шундаки, ҳисоб-варақ қаерда очилганлигидан қатъи назар, пластик карточкаёрдамида банкнинг барча муассасаларида, шунингдек корхоналар, супермаркетлар, метро бекатлари ва бошқа жамоат жойларида ўрнатилган банкоматлар тармоқлари орқали исталганча пластик

²⁷ “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг 2006-2013 йил ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган

карточкадаги суммадан нақд пул олиш ёки товар ва хизматлар учун ҳақ тўлашлари мумкин.



2-чизма. Биллинг тизими ишлаш принципи

Айтиш жоизки, карточка эгаларига пулни йўқотиш ёки ўғирлатиб қўйиш муаммоси деярли бўлмайди, чунки карточка эгасидан бошқа ҳеч ким (агар пароли бировга айтилмаган бўлса) ундан фойдалана олмайди. Карточкалар ПИН-код билан ҳимояланган бўлади ва бу хавотирга ўрин йўқлигидан далолат беради.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулот сатувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун пластик карточкалар тизimini ривожлантириш омили куйидаги ижобий ҳолатларга олиб келади (2-иловага қаралсин).

Юқоридаги ижобий натижаларга эришишда бугунги кунда пластик карточкалар билан ишлаш тизimini ҳамда мижозлар билан банк ўртасидаги

«алоқаларни мустаҳкамлаш ва миждозларга замонавий хизматлар кўрсатишда янада кўпроккулайликлар яратиш мақсадида, Ягона умумреспублика процессинг маркази билан биргаликда «UZKART-OnLine» тизими жорий этилишини муҳим деб биламиз. Унинг натижасида миждозлар катта кулайликларига эга бўладилар, яъни:

- ✓ банкларга келмасдан туриб уяли алоқа телефонлари ёрдамида турли пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларига маблағлар ўтказиш;
- ✓ интернет тизими орқали пластик карточкалардаги пул маблағларини кўчириш, карточкалардаги қолдиқларини кўра олиш, карточкаларидан бўлган айланмаларини тўлик кузата олиш;
- ✓ коммунал тўловларга ўз ўрнида ўтказиш шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли Қарорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб «Ўзсаноаткурилиш» ОАТБ тизимига 2013 йилда қўшимча 150 минг дона янги онлайн тизимида ишлай оладиган пластик карточкалар, 2000 дона терминаллар келтирилиб, миждозлар ўртасида жойлаштирилди. Бундай ишларни 2014 йилда ҳам давом эттириш режалаштириб олинган.

3.2. Пластик карточкалар тизимининг истиқболини таъминлаш йўллари

Бугунги кунда дунёда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожини, ахборот оламининг шиддатлилигини ва глобал техник хизмат кўрсатиш имкониятларининг кенгайиб боришини тижорат банкларидан ўз миждозлари учун қулай ва ишончли электрон ҳисоб-китоблар тизимига асосланган банк хизматлари турларини таклиф этишни талаб этмокда. Айниқса, бу жараёнда тобора оммалашиб бораётган ҳамда қулай имкониятларни намоён қилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни электрон тарзда амалга ошириш имконини берувчи пластик карточкаларга асосланган

тўлов тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.

ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам бу борада нақд пулсиз тўловлар тизимини такомиллаштириш, хавфсиз ва ишончли бўлган пластик карточкалардан аҳолининг кенг фойдаланиши учун имкониятлар яратиш мақсадида зарурий чора-тадбирларни олиб бормоқда. Ушбу банк томонидан пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу тизим истикболини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар эътиборга моликдир.


Мамлакатимиз молия-банк тизимидаги бугунги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини кискартириш бўлиб, бу борада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини республиканинг барча банклари каторида «Саноатқурилишбанк» ОАТБ ҳам ҳаётга кенг татбиқ этиб келмоқда. Жумладан, амалга оширилган саъй-ҳаракатлар самарасида 2012 йил 1 январь ҳолатига келиб банк томонидан тургун савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарига, электр энергияси, газ ва бошқа турдаги коммунал тўловлар қабул қилишни ташкил этиш учун банкнинг жамгарма шохобчаларига, махсус кассалари, минибанкларига 4400 та терминал ўрнатилиб, 250 000 тадан ортиқ пластик карточкалар муомалага киритилди (8-диаграмма).

Эътиборлиси шундаки, банкимиз ўтган йил мобайнида қарийб 38 минг дона янгипластик карточкаларни муомилага чиқариб, уларнинг асосий қисмини «Иш ҳақи» лойиҳаси асосида мижозларнинг ишчи-ҳодимларига таркатди. Ҳозирги кунда 600 дан зиёд корхона ва ташкилотлар ҳодимлари «Қишлоқ қурилиш банк» пластик карточкаларидан фойдаланмоқда.

8-диаграмма

Пластик карточкалар сонининг ошиши²⁸

²⁸ “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг 2009-2013 йиллар маълумотлари асосида



Шу билан бирга, бугунги кунда банк терминаллар тармогини янада кенгайтиришга ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида қараб, бу борада ҳам муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Айтиш жоизки, биргина 2011 йил давомида мижозларга қулай шароит яратиш мақсадида банк томонидан қўшимча 1 580 донa турли русумдаги стaниoнaр вa мoбил терминаллар келтириб ўрнатилган эди.

Шунингдек, банк пластик карточкаларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 12 донa персонализатор, 300 та карт-ридерлар банк филиалларига етказилди. Карт-ридер қурилмалари банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилувчи корхона вa тaшкилотларгa, бoзoр. худудлари хaмдa пoчтa aлoқaлари бўлимларига ўрнатилди. Ҳозирдa ушбу қурилмалар орқали мижозлар ўз пластик карточкаларига пул маблагларини юклаши, уларнинг ҳаракати тўғрисида керакли маълумотларни олиш имкониятигa эгa бўлишмоқдалар.

«Саноатқурилишбанк» ОАТБнинг мижозларга пластик карточкалар бўйича барча қулайликларни яратиши аҳолининг мазкур муассаса карточкаларидан унумлироқ фойдаланишигa олиб келиб, бу орқали банкнинг молия бозордаги мавқеи хaм тoбoрa юксaлмoқдa. Агaр буни рaқaмлардa ифoдaлaйдигaн бўлсaк, 2009 йилдa банк терминаллари орқали 122,2 млрд.

сўмлик транзакциялар амалга оширилган бўлса, 2013 йилда келиб у 428,7 млрд. сўмга етди ва пластик карточкалар ҳисобваравига эса 400,0 млрд. сўмга яқин маблағлар ўтказилганига гувоҳ бўлиш мумкин (2-диаграмма).

Бундан ташқари, банк томонидан пластик карточкаларга туну-кун хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 26 та инфокиосklar жойлаштирилди. Ушбу инфокиосklar орқали бугунги кунда барча турдаги тўловлар, жумладан коммунал, уяли алоқа операторлари ва интернет-провайдерлар хизматлари учун 24 соат давомида тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди. утган йилда мазкур инфокиосklar орқали жами 720,2 млн. сўмлик тўловлар ўтказилди.


Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1325-сонли Қарори ушбу тизим иштирокчилари олдида бир қатор муҳим вазифаларни қўйган. Пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда илгор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш шулар жумласидандир.

Банк мазкур вазифалар ижросини таъминлаш йўлида электрон ҳисоб-китоб қилишнинг янги, замонавий хизматтурларини жорий қилиш устида изланишлар олиб бормокда. Бунга банк томонидан Ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда «online» режимида ишловчи янги «UZKART-EMV» тўлов тизимини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ёрқин мисол бўла олади. Банкда ҳозирги кунга келиб карточкаларга хизмат кўрсатишни таъминловчи махсус дастурий комплекслар ишга туширилиб, савдо терминаллари орқали пластик

карточкаларни тўловга чекланмаган миқдорда қабул қилиш имкониятини берувчи дастурлар ўрнатилган.

9-диаграмма

Терминаллар орқали ўтказилган тўловлар суммаси²⁹ (млрд. сўмда)



Айтиш жоизки, банк 2012 йилда 50 минг дона «online» режимида ишловчи пластик карточкаларни муомалага киритиш ва қўшимча 500 дона савдо терминаллари жойлаштириш, шу билан бирга, бу тизимнинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда кенг турдаги янги банк хизматларини жорий этишни режалаштирди. У «UZKART-EMV» тўлов тизимини жорий қилиниши банкнинг мазкур тизимдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлари, жумладан сервер қурилмалари, дастурий таъминот, техник ходимларни ёллаш каби харажатларни камайтириш, банк пластик карточкалар орқали янги хизмат турларининг амалиётга киритишга шароит яратиш (кредит ва дисконт карталарини муомалага киритиш ва бошқалар), маълумотлари марказлашган ҳолда қайта ишлаш эвазига тўловларнинг ўтиш вақтини янада тезлаштириш, тизимнинг онлайн режимида ишлаши ҳисобига тўловларнинг юқори хавфсизликка эгалигини таъминлаш имконини беради.

²⁹ «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг 2009-2013 йиллар маълумотлари асосида ҳисобланган

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ мижозлар талабини қондириш, уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида аҳоли маблағлари хавфсизлигининг муҳим ва қулай воситаси бўлган пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга юксак эътибор қаратиб келмоқда. Бу эса банкнинг молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг фаол ижрочиси сифатида эътироф этилишига хизмат қилиши учун имконият яратиб беради.

3.3. Пластик карточкалар орқали янги хизматларни такомиллаштириш йўллари

Банк пластик карточкалари асосидаги нақдсиз электрон тўловлар маданиятли пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланиш айнан нақд пулга бўлган талабни камайтириб, улар ҳаракатини тезлаштиради, шунингдек пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради. Мисол учун ТИФ Миллий банкида пул муомаласининг ушбу тури бўйича барча амалиётлар яхши йўлга қўйилган. Банк томонидан миллий валютадаги ҳисоб-китоблар учун Сўм пластик карточкалари ҳамла VISA ва унийг асосидаги IAPA, Priority Pass халқаро дисконт карточкалари бўйича хизмат кўрсатиб келинмоқда. Энг муҳими ТИФ Миллий банк банкоматлари парки барча банклар томонидан бутун республикадаги корхонадар, ташкилотлар, банк муассасалари биноларига ўрнатилган банкомат ускуналари умумий миқдорининг учдан бир қисми (122 та)ни ташкил этмоқда. Мазкур банк инфокиосклари улуши бутун республика бўйича инфокиосklar умумий миқдорининг 23 фоизи (112 дона)ни ташкил қилиб келмоқда. Ушбу банкда амалга оширилаётган ишлар бошқа тижорат банклари учун ўрнак бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ замонавий банк хизматларини аҳоли гавжум жойларга имкон қадар яқинлаштириш учун барча чораларни кўрмоғи лозим бўлмоқда. Шу мақсадда ихтисослаштирилган кассалар ва мини банклар тармоғи кенгайтирилиши муҳимдир. Чунки улар томонидан нақд ва нақдсиз шаклда катта миқдордаги тўловлар қабул қилиниши мумкин бўлади.

Жахон амалиётидан маълумки, банк маҳсулотларининг муайян турини оммалаштириш учун у бўйича хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ҳам чакана хизматлар стратегиясини амалга оширишда ушбу мезон талабларига амал қилиши зарур бўлмоқда. Хусусан, банк пластик карточка эгалари учун доимий равишда янги хизмат турларини жорий қилиб бориши муҳим бўлмоқда.

2014 йилда ушбу банк ўз миждозларига сўм пластик карточкалари бўйича SMS, e-mail ва web-хабарлаш ахборот хизматлари ҳамда сервисларини такдим этиш юзасидан пилот лойиҳасини кенг жорий этишга киришмоғи алоҳида аҳамиятга эга бўлмоғи лозим.

Бундаги тезкор SMS-хабарлаш — комплекс ахборот хизмати бўлиб, у мазкур банк сўм пластик карточкалари эгаларининг уяли телефонларига SMS-хабарлар юбориш вазифасини бажаради. Яъни, карточка ушловчиси доимий равишда ўз ҳисоб-варағидаги пул маблағларининг айланиши ва қолдиги ҳақида тезкор маълумот олиб боради. Хусусан, карточка ҳисобварағининг баланси, ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракати, бажарилган амалиётлар ҳақида ахборот, омонатга қўшилган фоизлар, ҳисобвараққа киритилган ва ундан чиқарилган маблағлар ҳамда шахсий IVR-қабинет хизматида фойдаланиш SMS-хабарлаш хизмати имкониятлари саналади. Ушбу хизматнинг афзаллиги шундаки, ундан барча уяли алоқа операторлари абонентлари фойдалана оладилар.

Чексиз e-mail-хабарлаш — “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ миждозларининг карточка ҳисобварақлари бўйича бажарилган операциялар ҳақида электрон почта манзилига автоматик тарзда хабар юборишини ифодалайди. Шахсий электрон почта манзилига реал вақт режимида автоматик тарзда ҳисоб-китоб варағида (ёки пластик карточка ҳисобварағида) қирим-чиким амалиёти бажарилганда, ҳар бир кун охири ёки бошидаги ҳолатга кўра ҳисобварақ қолдиги тўғрисида, кредит операциялари бўйича ҳисобланган фоизлар ҳақида, савдо терминали инкассация қилингани

ва инкассация қилинган сумма тўғрисида, омонатга навбатдаги фоизлар қўшилгани ҳақида хабарлар узатилади.

Е-mail-хабарлаш тизими банк ходимларининг иш вақтидан қатъи назар, реал вақт режимида е-mail-хабар шаклида ахборот олиш имконияти, хизматдан Интернет тармоғига уланган компьютер орқали ҳамда GPRS/WAP хизматига уланган уяли телефон орқали ҳам фойдаланиш, почта сервери билан мижоз ўртасида ҳимояланган канал орқали махфий ахборот алмашиш каби қулайликларга эга.

Таъкидлаш жоиз, SMS ва е-mail-хабарлаш хизматлари корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар, шунингдек корпоратив карточка ушловчилар учун ҳам бирдек қизиқарли саналади. Яъни, ушбу хизматлар ёрдамида барча турдаги субъектлар ўзларининг бухгалтерия ҳисоботлари шаффофлигини таъминлайди. Бунда SMS ва е-mail-хабарлаш хизматларига уланиб, ҳисобот оyi кyни ёки исталган давр учун ҳисобварақ бўйича, шунингдек пластик карточкалар ҳисобварақлари бўйича қўчирмалар, пластик карточкалар бўйича тўловларни қабул қилувчи терминал инкассация қилинганлиги, корпоратив карточка ҳисобварағи бўйича бажарилган қирим-чиқим операциялари, пластик карточкага қиритилиши мумкин бўлган маблағлар тўғрисидаги ахборотларни олиши мумкин.

Анъанавий «off-line» сервис турига қўшимча равишда, банк масофадан хизмат қўрсатишнинг шахсий WEB-кабинет ва шахсий IVR-кабинет каби турларини ҳам жорий этишни қўлайлаштириш лозим. Бунда шахсий WEB-кабинет – мижознинг қайси мамлакатдалигидан қатъи назар, кечаю кундуз исталган вақтда ўз карточка ҳисобварағи ҳолати ўрнатилишини талаб қилмайди), тизимдан фойдаланишда юқори даражали хавфсизлик, шунингдек мижоз маблағларини ҳимоялаш учун пароль ва шифрланган алоқа каналининг таъминланганлигидадир.

Ўз навбатида, ушбу тизим ҳам юқоридаги хизматлар каби пластик карточка ушловчисига қатор имкониятларни тақдим этади. Булар мижознинг ўз ҳисобварақлари ва карточкалари ҳақида умумий ахборот олиш

(ҳисобварақлар ва карточкалар рўйхати, карточкалар тури (номи), ҳисобварақда ёки карточқада турган ва ишлатилиши мумкин бўлган маблағлар суммаси ҳақида маълумот), танлаган календарь ойи учун карточқа ёки ҳисобварақ бўйича кўчирма шакллантириш, карточқа ёки ҳисобварақ бўйича (улар орқали бажарилган охириги 10 та операция ҳақида) миникўчирма олиш ҳамда ҳисобварақ бўйича кирим-чиқим операциялари бажарилганда ҳисобварақда юз берган ўзгаришлар ҳақида SMS/e-mail-хабарлар олинишини сошлаш (улаш/ўчириш) қабилардан иборат.

Шахсий IVR-кабинет эса, овозли хабарлаш тизими сервиси ҳисобланади. Мазкур интеллектуал платформа уяли ёки шаҳар телефон рақамларидан банкнинг махсус сервис рақамига кўнғирок қилиб, шахсий IVR-кабинет орқали интерактив режимда банк маҳсулотлари ва хизматлари, шунингдек миждознинг депозит ҳисобварақлари бўйича ахборот олиш имконини беради.

IVR сервисидан фойдаланувчи миждоз ахборот хизматлари бўйича хабарларни мустиқил равишда улаши ёки бекор қилиши, шунингдек ўзининг карточқа ҳисобварағи ҳолатини қузатиши ва бажарилган охириги операциялар ҳақида маълумот сўраб, SMS-хабар қўринишида жавоб олиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, банкнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари зое кетмаслиғи лозим. Буни пластик карточкалар эгалари сонининг кўпайиб бориши тасдиқлаб бериши зарур.

Шунингдек, ушбу банк томонидан чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида бошқа йўналишларида ҳам самарали ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Буларга хорижий валюталардаги депозитлар жозибадорлигини такомиллаштириш, хорижий валютадаги пул жўнатмаларини амалга ошириш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, валюта айирбошлаш операцияларини бажариш ва бошқа кўплаб хизматларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда банк ўз миждозларига сақлаш шартлари ва муддатлари турлича бўлган миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг хилма-хил турларини таклиф қилмокда. Бу миждозга ўзи учун энг манфаатли шартлар

белгиланган омонатни танлаш имконини бермоқда. Чунончи, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ филиалларида миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг тури жуда озлиги қилмоқда. Мисол учун ТИФ Миллий банкини олсак, унда депозитлар тури 17 тага етган. Энг муҳими Миллий банк омонатчилар учун бир хорижий валютани бошқасига нақдсиз алмаштириш бўйича қўшимча хизматларни ҳам йўлга қўйган. Худди шу тартибда АҚШ доллари, евро, инглиз фунт стерлингидаги «Имтиёз» муддатли мультивалюта омонати амал қилмоқда. 13 ой сақлашга мўлжалланган ушбу омонат ундаги қолдиқни юқорида кўрсатилган валюталардан исталганига конвертациялаш имконини беради.

Миллий банкда миллий ва хорижий валюталардаги ҳисоб-варақларга эга бўлган омонатчилар сони деярли 14 баравар қўпайди. Шунингдек, чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган изчил ишлар Миллий банкка Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-991-сонли Қарорига мувофиқ, тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ҳар йили ўтказилаётган танловда юқори натижаларга йўл очмоқда. Чунончи, банк танлов якунларига кўра, «Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки» асосий номинациясида уч маротаба совринли ўринлар (2008 йилда 1-ўрин учун, 2009 йилда 2-ўрин ва 2010 йилда 1-ўрин учун диплом)ни қўлга киритди. Бундай ютуқлардан бошқа фанлар, шу жумладан, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўрناق олса арзийди.

Жаҳонда ахборот технологияларининг ривожланишига ҳамиша турли молия тузилмалари, айниқса банкларнинг талаблари сабаб бўлиб келмоқда. Тезкор ҳисоб-китобларни амалга ошириш, гоят катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва уларга ишлов бериш, ахборот тақдим этиш соҳасида юксак даражали сервисни, ресурслар тезкор бошқарилишини, молия бозоридаги хатти-ҳаракатларнинг энг мақбул стратегияси математик жиҳатдан асосланган тарзда танланишини таъминлаш зарурати замонавий молиявий-иктисодий ташкилотлар ахборот

тизимларидан талаб қилаётган асосий вазифалар ҳисобланади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ ўз иши хусусиятларига кўра, бутун дунёдаги молия ташкилотлари билан банклараро муносабатлар даражасини таъминлаш ҳамда республикадаги ўз мижозларига зарур барча хизматларни юқори сифат билан такдим этиш мақсадида ўзининг ахборот тизимларини умумжаҳон стандартлари даражасида ривожлантираяпти. Бу борада муассаса ахборот технологиялари соҳасидаги ўз етакчилик мавқеини сақлаб туриш учун барча зарур имкониятларга эга.

Эркинлаштиришни мақсад қилиб танланган йўл, эркин иқтисодиётнинг асосий тамойиллари изчил амалга ошириб борилаётганлиги сезиларли натижаларни бераяпти. Бу натижалар базавий тармоқлар юксак даражада ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарор ўсиши ва пировард натижада, республика аҳолисининг фаровонлиги ортишида кўринмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ республиканинг энг йирик молия муассасаси сифатида бундан буён ҳам мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ўз молиявий сиёсатини самарали амалга оширишга эришмоғи лозим.

3.4. Пластик карточкага асосланган тўлов амалиётини такомиллаштириш масалалари

Банк тизими томонидан аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан, пластик карточкалардан фойдаланиш ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Пластик карточкалар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожланиши аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиб бериши мумкин.

Бизга маълумки, пластик карточкалар ҳозирги ҳолатига келгунга қадар бир канча даврларни босиб ўтади. Ўзбекистонда пластик қарточкалар бозорининг ривожланиш тарихи 1994-йилда Вазирлар Маҳкамасининг 268-сонли "Visa" дебит ва кредит карточқаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини қабул қилиниши билан бошланди. Шу тариқа, 2004-йилнинг 24-сентябрида Вазирлар

Маҳкамисининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарори (2.1-илова) қабул қилинди. Ўзбекистонда 2007-йил 1-январига келиб муомалада бўлган пластик карточкалар сони 3.2 дондан ошди, яъни мазкур кўрсаткич 2006-йилга нисбатан 53% га ўсди. Шундан сўнг, Президентимизнинг "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325 сонли Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йил 1 январ маълумотига кўра муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 10 млн. дондан ортиб кетди, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 120 минг та ҳисоб-китоб терминали, 40га яқин банкомат ва 1200дан ортиқ инфокиоскалар ўрнатилган.

Ҳозирги кунга келиб пластик карточкалар Ўзбекистонда пластик карточканинг бир канча турлари муомалада бўлиб, улар VISA Classic, VISA Elektron, VISA Gold, VISA Business, IAPA, Priority Pass ва DSO дисконт каби карточкаларни киритишимиз мумкин. Ушбу турдаги пластик карточкалар эгалари, дунёнинг қаерида бўлмасин, ҳисоб-рақамидаги пул маблағларидан бемалол фойдаланиши мумкин, колаверса ушбу карточкаларнинг замонавий интернет технологиялари давридаги асосий афзалликларидан бири шундаки, улар орқали ҳар қандай интернет тўловлари, жумладан интернет-магазинларда харид қилинган маҳсулотлар, турли хизматлар йўл чипталарини банд қилиш ва сотиб олиш, меҳмонхоналар учун хизмат тўловлари ва бошқа юзлаб турдаги тўловларни қисқа муддат ичида расмийлаштириш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу турдаги карточкаларнинг қулайликларидан яна бири унинг корпоратив тарзда ҳам эмиссия қилиниши имкониятидир. Бунга кўра бир карточка ҳисоб рақамидан икки киши ҳам фойдалана олишидир.

Бу соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда, муаммолар ҳам мавжуддир. Масалан, биргина Тошкент шаҳрида транспорт тизимида аҳоли маҳаллий транспорт воситаларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган йўл ҳақдарини пластик карточкалар орқали тўлаш жорий қилинмаганлигидир. Агар маҳаллий

йўловчи ташиш тизимидаги машина ва автобусларга терминал ўрнатилса, юртимиз аҳолиси ва меҳмонлар учун янги ва қулай хизмат тури бўларди. Бунинг учун транспорт тизимидаги машина ва автобуслар учун терминаллар ўрнатилиши ва махсус йўриқномалар ишлаб чиқилиши лозим. Яна бир муаммолардан бири шундаки тижорат банкларидаги валюта айирбошлаш муносабатлари нақд пулда амалга оширилади. Шу муносабатларни пластик карточкалар орқали, яъни пластик карточкадаги миллий валютадаги пул маблағини хорижий валютага айирбошлашни амалга оширишни жорий қилиш аҳолини пластик карточкаларга бўлган қизиқишини янада оширади.

Шундай қилиб, республикамизда пластик карточкалардан кенг фойдаланиш аҳолининг турли тўловларини амалга оширишда қулайлик яратиш билан бирга банк инфратузилмасининг ривожланишига хизмат қилади, қолаверса, у нақд пул муомаласини тартибга солишда банк учун ҳам, миқдор учун ҳам қулай ва фойдалидир. Энг асосийси, у аҳолига иш хақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш имконини беради.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги тижорат банкларининг пластик карточкалар бўйича кўрсатаётган хизматлари сифати юқори даражада эмас. Бунга асосий сабаб республикамиз Марказий банкининг оқилона олиб бораётган сиёсати, қолаверса, миқдорларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари ижросини жойларда етарли эмаслигидир. Аҳоли учун юқоридаги хизмат тури бўйича тўловларни янада қулай ва арзон кўринишга келтириш муҳимдир. Бу эса банклар ўртасидаги доимий рақобатни вазиятни юзага келтиради ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга замин яратади.

Хулоса

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида аҳоли унун қулайликлар яратиш мақсадида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга, ушбу йилнинг хавфсиз воситаси бўлган пластик карточкалар орқали амалиётларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини, жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимиз иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида пластик карточкалар давр талабига айланди. Бугунги кунда пластик карточкалар жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлақатида харид килинган товар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларнинг тезкор, қулай ва ишончли воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Бугунги кўнда мамлакатимизда нақд пулсиз тўлов тизимини шакллантиришда барча қонуний механизмлар ишлаб чиқилишига қарамай, истеъмолчилар қатор муаммоларга дуч келмоқдалар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада 3 млн.дан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган, савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида 12 мингга яқин терминаллар ўрнатилган ёки 2004 йилги даражага нисбатан 8 баробардан зиёд ошган.

Қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида пластик карточкаларини қўллаган ҳолда ягона тартибда банк операцияларини ўтказишга имкон яратувчи Ягона умумреспублика протсессинг маркази ташкил етилди.

Республиканинг 18 та тижорат банкларини ўз ичига олган пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга ошириладиган Банклараро тўлов тизими яратилди. Пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд (пулсиз ҳисоб-китоб олиб бориш учун зарур қонунчилик ва норматив-ҳукукий база) шакллантирилди. Қатор маҳаллий корхоналар томонидан банк микропроцессор пластик карточкалар ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамон етарли даражада ривожланмаган. Аҳолига сервис хизмати кўрсатишнинг жаҳон стандартларига мос келадиган миқдорларни жалб этиш, маҳсулот сотиш ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини ошириш учун шарт-шароит яратадиган пластик карточкалардан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича турли хил дисконт, бонус ва совринли лойиҳаларни жорий этиш борасида етарлича иш олиб борилмаяпти.

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, республикада банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида:

➤ банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2010 йилнинг 1 январигача банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хомашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва литсензиялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этишни таъминлаш;

➤ 2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлашини таъминлаш.

➤ Ўзбекистон банклар уюшмаси тижорат банклари билан биргаликда

Банк-молия академияси ва Минтақавий банк ўқув марказида карточка технологиялари ва электрон тўловлар бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин, шунингдек мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли учун пластик карточкаларнинг жозибадорлигини оширишга қаратилган тушунтириш ва реклама ишларини олиб бориш.

➤ Юртимизда аҳолига пластик карточкалардан нақд пул маблағларининг берилишини янада яхшилаш мақсадида банкоматлар сони тобора кўпайтирилмоқда. Савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини терминаллар билан таъминлаш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тегишли низомда банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар ва хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилишига йўл қўймаслик катъий таъкидланган.

Жорий йилнинг 6 августидан кучга кирган ушбу меъёрий ҳужжатга биноан тўлов терминаллари авиа ва темир йўл чипталари сотиладиган кассалар, аҳолидан тўлов қабул қилиш пунктларида мажбурий тартибда ўрнатилиши, уй-жой, коммунал хизматлари кўрсатадиган корхоналарда ташкил етилиши лозим. Шунингдек, телефон хизматлари учун тўлов қабул қиладиган пунктлар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ муқим савдо дўконлари, ресторанлар, меҳмонхоналар, алоқа бўлимлари ва бошқалар терминаллар билан таъминланиши даркор.

Маълумотларга кўра, республиқамиз бўйича 42 мингдан зиёд савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектида терминаллар ўрнатилган. Бу рақам кун сайин ўсмоқда. 2013 йилнинг 1 январигача уларнинг сони 60 мингга етган.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар натижасида тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими ва ундан фойдаланиш кўлами тобора кенгаймоқда.

Президентимиз И.А. Каримовнинг 2006 йил 3 августда қабул қилинган “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва шу йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бизга маълумки, пластик карточкалар ҳозирги ҳолатига келгунга қадар бир канча даврларни босиб ўтади. Ўзбекистонда пластик карточкалар бозорининг ривожланиш тарихи 1994-йилда Вазирлар Маҳкамасининг 268-сонли "Visa" дебит ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини қабул қилиниши билан бошланди. Шу тариқа, 2004-йилнинг 24-сентябрида Вазирлар Маҳкамисининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистонда 2007-йил 1-январига келиб муомалада бўлган пластик карточкалар сони 3.2 донадан ошди, яъни мазкур кўрсаткич 2006-йилга нисбатан 53% га ўсди. Шундан сўнг, Президентимизнинг "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325 сонли Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йил 1 январ маълумотига кўра муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 10 млн. донадан ортиб кетди, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 120 минг та ҳисоб-китоб терминали, 40га яқин банкомат ва 1200дан ортиқ инфокиоскалар ўрнатилган.

Ҳозирги кунга келиб пластик карточкалар Ўзбекистонда пластик карточканинг бир канча турлари муомалада бўлиб, улар VISA Classic, VISA Elektron, VISA Gold, VISA Business, IAPA, Priority Pass ва DSO дисконт каби карточкаларни киритишимиз мумкин. Ушбу турдаги пластик карточкалар эгалари, дунёнинг қаерида бўлмасин, ҳисоб-рақамидаги пул маблағларидан бемалол фойдаланиши мумкин, қолаверса ушбу карточкаларнинг замонавий

интернет технологиялари давридаги асосий афзалликларидан бири шундаки, улар оркали ҳар қандай интернет тўловлари, жумладан интернет-магазинларда харид қилинган маҳсулотлар, турли хизматлар йўл чипталарини банд қилиш ва сотиб олиш, меҳмонхоналар учун хизмат тўловлари ва бошқа юзлаб турдаги тўловларни қисқа муддат ичида расмийлаштириш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу турдаги карточкаларнинг қулайликларидан яна бири унинг корпоратив тарзда ҳам эмиссия қилиниши имкониятидир. Бунга кўра бир карточка ҳисоб рақамидан икки киши ҳам фойдалана олишидир.

Шундай қилиб, республикамызда пластик карточкалардан кенг фойдаланиш аҳолининг турли тўловларини амалга оширишда қулайлик яратиш билан бирга банк инфратузилмасининг ривожланишига хизмат қилади, қолаверса, у нақд пул муомаласини тартибга солишда банк учун ҳам, миқдор учун ҳам қулай ва фойдалидир. Энг асосийси, у аҳолига иш хақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: ЎЗРДСК, 2010
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Т.: 25 апрел 1996 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Т.: 21 декабрь 1995 йил
5. Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги Низом(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/8 -сонли қарорига билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2009 йил 9 сентябрда 2004-сон билан рўйхатга олинган)

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-бет.
2. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
3. Каримов И.А. 2014-йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар етиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2014 йил 19 январ 21-сон.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. – Тошкент “Иқтисод-молия”, 2005, 588-б.;
2. Абрамова М.А., Александрова Л.С. Финансы и кредит: Вопросы и ответы. – М.: ИД «Юриспруденция», 2006.
3. Акрамов Э.А. Иқтисодий таракқиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2011.
4. Андрюшин С., Бурлачков В. Денежно-кредитная политика и глобальный финансовый кризис: вопросы методологии и уроки для России. //Вопросы экономики. 2008. №11. – с. 39
5. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б.
6. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2008.
7. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. Т. 1. 53 – 76. с.
8. Вахобов А.В. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2011.
9. Душаев Б.М. Монетарная политика: – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2005. – 120 с.
10. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 28-38; 87-96 б.
11. Каралиев Ш.Т. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит сиёсатининг айрим жиҳатлари // Молия. – Тошкент, 2009. - №2 – Б. 42-44.
12. Каралиев Ш.Т. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш//Бозор, пул ва кредит, – Тошкент, 2003. - № 2 – Б. 13-14.

13. Кейнс. Дж. М. Избранные произведения. – М.: Экономика, 1993. – 72 с.

IV. Интернет сайтлари

www.gov.uz

www.cbu.uz

www.bank.uz

www.federalreservegov.com

www.ecb.eu

www.boj.or.jp

<http://www.cbr.ru/statistics/2012/prtid>

hq@nationalbank.kz


Иловалар

1-илова


2013 йил 1 январ ҳолатига муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари, терминаллари, банкомат ва инфокиосклар тўғрисида маълумот (тижорат банклари микёсида)

Банклар	Муомалага чиқарилган пластик карталар сони	Шундан			Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони	Банклар томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони
		Жисмоний шахсларнинг пластик карталари	Юридик шахсларнинг корпоратив карталари	Якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карталари		
ТИФ Миллий банк	1 558 466	1 551 151	5 875	1 440	14 159	239
Саноатқурилишбанк	867 635	866 254	1 356	25	6 513	34
Агро банк	1 952 145	1 951 614	462	69	17 820	131
Микрокредитбанк	439 543	439 265	278		6 920	33
Халқ банки	1 440 171	1 437 494	1 104	1 573	17 770	96
Савдогарбанк	154 726	154 216	320	190	3 483	19
Қишлоқ-қурилиш банки	224 045	223 628	415	2	4 496	27
Турон банк	150 730	149 335	884	511	2 269	20
Ҳамкор банк	109 995	107 657	1 176	1 162	4 901	41
Асака банк	972 411	970 634	1 179	598	8 889	72
Ипак йўли банки	250 938	247 881	1 796	1 261	3 763	35


Ўзбекистон-Туркия банки	10 163	9 968	183	12	89	
Траст банки	58 990	57 788	1 015	187	1 161	16
Алоқа банк	128 750	127 975	707	68	2 865	39
Ипотека банк	865 725	858 636	3 448	3 641	12 312	89
ЎзКДБ банк	31 562	31 325	237		165	3
Туркистон банк	4 828	4 689	87	52	339	2
Самарканд банк	1 035	1 011	22	2	90	
Универсал банк	24 027	23 830	131	66	565	
Капитал банк	125 630	122 626	2 343	661	1 834	494
Равнақ банк	3 748	3 603	114	31	48	
Давр банк	5 501	5 427	49	25	385	
Кредит-Стандарт банк	69 028	68 388	563	77	528	11
Invest finance bank	18 626	18 179	360	87	487	3
Amirbank	8 189	8 059	98	32	123	1
Asia alliance bank	14 407	14 168	223	16	217	7
Hi-Tech bank	4 533	4 218	222	93	183	2
Orient finans банк	7 079	6 880	160	39	338	3
ЖАМИ	9 502 626	9 465 899	24 807	11 920	112 712	1 417



Пластик карточкалар тизимини ривожлантириш омиллари




Янги пластик карточкаларнинг афзалликлари




On-line пластик карточка тизимининг қулайлиги


Муомалага чиқарилган банк карталари сони (1 январь ҳолатига)



Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси



Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони (1 январ ҳолатига)



Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони (1 январ ҳолатига)

